


MC-877

2004:4

O'ZBEKISTON TARIXI



4
2004



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

O'ZBEKISTON TARIXI

*Jurnalga 1998 yil iyulda asos solindi
Bir yilda to'rt marta chiqadi*

4
2004

Toshkent
O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
«Fan» nashriyoti



Таҳрир ҳайъати:

Дилором АЛИМОВА (бош муҳаррир), Азамат ЗИЁ, Шоира АСАДОВА (масъул котиб), Омонулла БЎРИЕВ, Алишер ДОНИЁРОВ, Доно ЗИЁЕВА, Неъматилла ИБРОҶИМОВ, Зоҳиджон ИСЛОМОВ, Ўткир ИСЛОМОВ, Мирсодиқ ИСҶОҚОВ, Элёр КАРИМОВ, Розия МУКМИНОВА, Зоя ОРИФХОНОВА, Эдвард РТВЕЛАДЗЕ, Рустам СУЛАЙМОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маргарита ФИЛАНОВИЧ, Темур ШИРИНОВ, Асомиддин ЎРИНБОЕВ, Фарҳод ҚОСИМОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ.

Манзилимиз:

700170, Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.
Телефонлар: 133-47-12; 162-38-73.

*Ўзбекистон давлатчилиги тарихидан**А. Анорбоев***ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК ДАВЛАТЧИЛИК ВА УНИНГ
ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАГИ БАЪЗИ БИР МУАММОЛАР**

Ўзбекистон ўзининг географик жойлашуви ва табиий шароитининг қулайлиги билан аждодларимизни қадим-қадимлардан ўзига жалб қилиб келган.

Жанубий Фарғонанинг Сўх туманидан (Чашма) топилган тош қуроллари Ўзбекистон тарихини бир миллион йилга қадимийлаштирди. Тош даври инсоният тарихида энг узоқ даврни ўз ичига олган бўлиб, бу даврда тараққиёт секин-асталик билан, яъни эволюцион йўл билан ривожланиб борган. Фақатгина янги тош даврига келиб кишилик жамиятида кескин ўзгаришлар юз беради. Бу жараён Месопотамия ва Мисрда милоддан аввалги VII мингинчи йиллардан, Ҳиндистон, Эрон ва Ўрта Осиёнинг жанубида милоддан аввалги VI мингинчи йиллардан бошлаб кузатилган.

Бу ўзгаришларни 1950 йилларда англиялик буюк археолог Гардон Чайлд «неолит революцияси» деб айтган эди¹. Сабаб, миллион йиллар давомида одамлар фақат табиат инъомидан фойдаланиб яшаганлар, яъни кундалик ҳаётларида улар табиатда ўзи ўсиб етилган мева-чеваларни ва овчилик йўли билан қўлга киритган гўшт маҳсулотларини еб кун кечирганлар.

Неолит (янги тош) даврига келиб эса инсон биринчи бўлиб илк маротаба деҳқончилик ва ҳунармандчиликка қўл уради. Ёввойи ҳайвонларнинг баъзи бир турларини қўлга ўргатиш йўли билан дастлабки чорвачиликни йўлга қўядилар.

Хулоса қилиб айтганда, бу даврда инсон фақат табиат инъомларидангина фойдаланиб қолмасдан балки, ўзи ҳам ишлаб чиқаришга қўл уради. Натижада, қўшимча маҳсулотни пайдо бўлишига асос яратилди. Бунда қабилаларни ўзаро келишмовчиликлари натижасида пайдо бўлган урушлар ҳам катта роль ўйнайди. Урушда қўлга олинган асирлар қўшимча маҳсулотларга кўпроқ эга бўлган оилаларда ва қабила бошлиқлари қарамоғидаги ерларда мажбурий меҳнатга тортилади. Бу ўз навбатида синфий табақаланишни кучайишига олиб келади.

¹ Childе V.G. The urban revolution // Town Planning Review. Vol. 21. Liverpool. 1950.

Металлнинг ихтиро қилиниши (дастлаб мис, сўнгра бронза) ва ундан хилма-хил маҳсулотларнинг ишлаб чиқаришни йўлга қўйилиши билан жамият тараққиёти янада тезкорлик билан ривожланади.

Кейинчалик, шу асосида илк шаҳар типигаги қароргоҳлар ва шаҳарлар, сўнгра шу билан бевосита боғлиқ бўлган шаҳар-давлатлар ҳамда «ном» типигаги кичик-кичик давлатлар пайдо бўлади. Жумладан, илк давлатлар Месопотамияда шаҳар-давлатлар кўринишида милоддан аввалги IV мингинчи йилларнинг охирида тарих майдонига келади.

Бу жараён Ўзбекистон ҳудудларида ўзига хос кўринишда кузатилади. Археологик тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, суформа деҳқончилик Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида (Сурхондарё вилояти) милоддан аввалги икки мингинчи йилларнинг ўрталаридан бошлаб кенг йўлга қўйила бошланади, яъни бир неча сой ҳавзаларида суфориб деҳқончилик қилиш майдонлари пайдо бўлади. Уларнинг маркази сифатида Бўстонсойни, чап соҳилида Жарқўтон ёдгорлиги ўрнида ўз қалъаси, саройи ва ибодатхонасига эга бўлган илк шаҳар вужудга келади².

Яқинда Ш. Шайдуллаев «Илк давлатларнинг археологик белгилари» - деган мақола эълон қилиб, унда Жарқўтон ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар асосида Жарқўтонни қадимги Шарқнинг илк шаҳар-давлатлари тоифасига киритади ва Ўрта Осиёда шаҳар ва давлатларни пайдо бўлиши ҳамда ривожланишини қуйидаги даврларга бўлади³. Унинг фикрича, биринчи даврда милоддан аввалги икки мингинчи йилларда «шаҳар-давлатлар ёки шаҳар «ном» типигаги давлатлар маркази» сифатида бўлган деб, Жарқўтон ва Дашли I ни «шаҳар-давлатлар» кўринишида таърифлайди.

Иккинчи даврда шаҳар-ҳудудий давлат маркази ҳисобланиб, милоддан аввалги бир мингинчи йилларнинг бошларини ўз ичига олади. Бундай ҳудудий давлатларнинг маркази сифатида Бақтрияда Қизилтепа, Жондавлаттепа, Хаитободтепа, Фарғонада Далварзин, Чуст, Апқолтепа, Сўғда эса Кўктепа, Подаётоқтепа ёдгорликларини кўрсатади.

Учинчи давр «шаҳар-марказлашган давлатлар ва империялар даврида»-деб кўрсатилган. Бунда Аҳамонийлар давридаги марказлашган давлат ёки империялар пойтахтлари сифатида Суз, Персеполь кўзда тутилган бўлса, сатрапликлар ҳудудидаги шаҳарлар, деб Афросиёб, Қизилтепа, Хаитободтепа ва Кўктепалар берилган⁴.

² Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд, 1993.

³ Шайдуллаев Ш. Илк давлатларнинг археологик белгилари // Ўзбекистон тарихи. № 3. Тошкент, 2002.

⁴ Ўша асар, 5 бет.

Ш. Шайдуллаевнинг юқорида келтирилган шаҳарлар ва давлатлар тўғрисидаги фикрларини таҳлил қилиб қуйидагича хулосага келиш мумкин.

1. Ўрта Осиё жумладан, Ўзбекистонда вужудга келган энг қадимги илк давлатларни Ш. Шайдуллаев таклиф қилган «шаҳар-давлатлар (Жарқўтон) деб аташга нисбатан «ном» типидagi давлатлар дейилса тўғрироқ бўлади. Чунки, милoddан аввалги IV мингинчи йилларда Тигр ва Ефрат дарёларининг қуйи оқимида (Месопотамия) ва Нил воҳасида (Миср) пайдо бўлган илк давлатлар маълум бир ирригацион районда (воҳада) пайдо бўлиб ўзининг табиий географик чегарасига эга бўлган⁵. Жарқўтон, биринчидан, Месопотамия (мил. авв. тўрт мингинчи йиллар) ва Жануби-ғарбий Эрондаги (мил. авв. уч мингинчи йиллар) «шаҳар – давлатларга» ўхшаб мустақкам мудофаа деворлар билан ўраб олинмаган; иккинчидан, шаҳар-давлатлар қадимги Шарқда бир ҳудудда Жарқўтонга ўхшаб битта эмас, балки бир неча бўлиб, нисбатан яхши қўшничилик шароитда бўлганлар⁶.

2. Милoddан аввалги бир мингинчи йилларнинг бошларида Ўзбекистонда Ш. Шайдуллаев айтгандек кичик-кичик давлатлар эмас, балки нисбатан йирикroқ уюшган давлатлар тарих майдонига келади десак тўғриroқ бўлади. Буни кейинги йиллардаги тарихий-археологик тадқиқотлар ҳам тасдиқламоқда⁷.

Ш. Шайдуллаевнинг фикрича эса бу даврда Шарқий Фарғонанинг биргина Қорадарё воҳасининг ўрта қисмида иккита ҳудудий давлат (Далварзин, Ашқолтепа) бўлган⁸. Бу ерда муаллиф биринчидан, Чуст мада-

⁵ Дьяконов И.М. Возникновение земледелия, скотоводства и ремесла. Общие черты первого периода истории древнего мира и проблема путей развития // История древнего мира. Ранняя древность. М., 1982, с. 30, 36, 41–42; Дьяконов И.М., Якобсон В.А. «Номовые государства», «территориальные царства», «полисы» и «империи» // Проблемы типологии. ВДИ, 1982. № 2. С. 3. Муаллифларнинг фикрича энг қадимги «ном» кўринишидаги давлатчаларнинг ўзига хос табиий чегаралари бўлиб, тоғлар, денгиз сувлари, дарёлар, сувсиз чўл ва саҳро қумликлари билан ўраб олинган. Бундай кичик-кичик давлатчалар маркази албатта, мудофаа деворлар билан ўраб олинган шаҳарлар ҳисобланган. Илк шаҳарлар билан дастлабки кичик-кичик давлатчаларни пайдо бўлиш вақти бир-бирига яқиндир, деган фикрни олға сурадилар (Дьяконов И., Якобсон В. М., 1982. С. 3). Гуляев В.И. Города-государства Майя (структура и функции города в раннеклассовом обществе). М., 1979. С. 5-19., Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и право. Ташкент, 2000. С. 46 – 48. Муаллифларни фикрича ҳам Жарқўтон «ном» типидagi илк давлатчилиги маркази.

⁶ Массон В.М. Первые цивилизации. Л., 1980. С. 42–43; Массон В.М. Первые цивилизации и всемирная история. Уфа, 1999.

⁷ Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования Средней Азии (опыт исторической реконструкции) // Древние цивилизации Евразии. История и культура. М., 2001, С. 334–347.

⁸ Шайдуллаев Ш. Ўша асар, 5-бет.

нияти хронологияси ҳақидаги кейинги йилларда эълон қилинган фикрларни ҳисобга олмаган, иккинчидан, ёдгорликларнинг географик жойланишига эътибор бермай, ўзининг олға сурган бир ҳудудий давлатда бир шаҳар бўлган - деган фикрига қарши чиқади.

Шу билан бирга Сурхондарё вилоятидаги Қизилтепа, Жондавлаттепа ва Хаитободтепалар ҳудудий давлатларни марказлари қилиб кўрсатилиши⁹ ҳам ҳақиқатга яқин эмас.

Аксинча, бу даврда Ўзбекистоннинг қадимги Бақтрия, Фарғона, Сўғд ва Хоразм ҳудудларида кичик-кичик «ном» типдаги давлатчалар («протогосударство») асосида «марказлашган» давлатчалар уюшмаси вужудга келади.

3. Ўрта Осиё шаҳарлари ва давлатларининг пайдо бўлиши ва ривожланишидаги Ш. Шайдуллаев ажратган 3- давр бу қадимги Бақтрия ва Хоразм давлатларининг вужудга келиши ва уларни Аҳамонийлар империяси таркибига кириши билан бошланади. Бу ерда ўз-ўзидан бир савол туғилади. Нима учун марказлашган қадимги Бақтрия ва Хоразм давлатларининг географик жойлашуви, пойтахт шаҳарлари ва улар ҳақидаги мунозарали фикрлар тўғрисида муаллиф бирон-бир сўз айтмаган? Менимча, у бу давлатларнинг хронологик даври, географик жойлашуви ҳақидаги кейинги маълумотлардан тўлиқ хабардор эмас.¹⁰

Ш.Шайдуллаев ўз фикрини давом эттириб, илк давлатларнинг 12 та ижтимоий ва 23 та археологик белгисини кўрсатиб ўтади¹¹.

Лекин, Ш. Шайдуллаев кўрсатган белгиларнинг кўпчилиги давлат вужудга келмасдан аввал неолит даврида ҳам мавжуд бўлган. Айниқса, Ш. Шайдуллаев таъкидлаган «уй ҳайвонлари турлари суяклари сонининг ошиши» ва «ёввойи ҳайвонлар турлари суяклари сонининг ошиши», «омборхоналарнинг бўлиши, экин турлари сонининг ошиши» - деган тезислар давлатчиликнинг белгиларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Сабаб, илк давлатчиликнинг белгилари тўғрисида гап кетганда ҳам биринчи навбатда давлатнинг қуйидаги асосий белгиларини ҳисобга олишни ёддан чиқармаслик керак.

1. Ҳар қандай давлат маълум бир географик жойда пайдо бўлиб, ўзининг ҳудудий чегараларига эга бўлади.

2. Давлатнинг асосини бир хил халқ, жамоа (ҳозирги вақтда миллат) ташкил қилади.

⁹ Ўша жойда.

¹⁰ Пьянков И.В. Ўша асар.

¹¹ Шайдуллаев Ш. Ўша асар, 6-8-бетлар.

3. Давлат ўзининг маълум бир юридик кучга эга бўлган қонун-қоидаларига эга бўлади. Масалан, қадимда жамоа оқсоқоллари ва маълум оилалардан чиққан юқори табақали сардорлар томонидан тузилган ёки келишиб олинган «юридик» нормалар бўлиб, унга жамият аъзоларининг риоя қилиши шарт бўлган.

4. Давлат ўз функцияларини бажариш учун давлат органларига ва моддий воситаларга эга бўлиши керак. Буни Жарқўтондаги ишлаб чиқариш «профессионализми», монументал бинолар, қабрлар ва улардаги буюмларни фарқланиши, ҳукмдорлик белгилар, Бўстонсой ҳавзасида юзлаб гектар ерларни ўзлаштирилиши ва ҳоказолари мисолида кўриш мумкин.

Ушбу муаммо бўйича тарихчи-манбашунос олимларнинг фикрларини ҳам келтиришни лозим топдик. Масалан, 1930 йиллардаёқ А. Кристенсен Бақтрияда илк давлатчилик институтининг пайдо бўлишини (Авестода тилга олинган «кавианидлар давлатини») милоддан аввалги X асрнинг охири IX асрни бошлари билан даврлаштирган эди¹².

Р. Гиршман ўз вақтида илк кавианидлар пойтахти Сейстонда (жанубий Бақтрия) Над-Али қишлоғи олдида топилган шаҳар харобалари ўрнида бўлган деган хулосага келади¹³.

Яқинда манбашунос олим И.В. Пьянков «Ўрта Осиёда энг қадимги давлатларни пайдо бўлиши» деган мақола эълон қилиб, унда Бақтрияда илк давлатлар («царство древнего кави») милоддан аввалги X-IX асрларда пайдо бўлиб милоддан аввалги VII асрда (Кави Виштаспи ва Заратуштра даври) марказлашган Бақтрия давлатига асос солинганлиги айтилади¹⁴. Бу билан у 1919 йилда Жексон¹⁵ томонидан айтилган фикрни ҳар томонлама асослашга ҳаракат қилади.

Хулоса қилиб айтганда III. Шайдуллаев таклиф қилган илк давлатчиликнинг археологик белгиларидан кўпчилигини қадимги Шарқда милоддан аввалги VII мингинчи йиллардан, Марказий Эрон, Ҳиндистон ва Жанубий Ўрта Осиёда VI мингинчи йиллардан бошлаб кузатиш мумкин.

Фақат иккита белги шаҳар, ёзув ва уларга алоқадор бўлган белгилар цивилизациянинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб қадимги Шарқда милоддан аввалги IV мингинчи йилларнинг биринчи ярмига

¹² Christensen A. Les Kayanides. Kobenhavn, 1931. P. 34.

¹³ Chirshman R. Fouilles de Nade-Ali dans le Seistan Afgan. Revue des arts asiatiques. Vol. XIII. N 1. 1930. P. 20.

¹⁴ Пьянков И.В. Ўша асар. 37-42-бетлар.

¹⁵ Jackson A.V.W. Zoroaster, the Prophet of Ancient Iran. N.V. P. 179-181.

тўғри келади. Жарқўтонда ҳақиқий ёзув пайдо бўлмаган бўлса ҳам, Ш. Шайдуллаев эслатиб ўтган 52 та белги Ўзбекистонда дастлабки пиктографик ёзувни пайдо бўлишидаги бир кўриниш деб қаралса бўлади.

Бунга ўхшаш жараён Ўзбекистоннинг шимолий ҳудудларида ҳам кузатилади. Жумладан, Фарғона водийсида милоддан аввалги II мингинчи йилларнинг ўрталаридан бошлаб дарё ва сой ҳавзаларида энг қулай жойлар ўзлаштирилиб, деҳқончилик қилинган. Милоддан аввалги II мингинчи йилларнинг охири милоднинг бошларига келганда ҳар бир сой ҳавзасидаги қулай унумдор ерлар ўзлаштирилиб, сунъий суғориб деҳқончилик қилиш интенсив йўлга қўйила бошланади.

Бунга Жанубий Фарғонанинг Шоҳимардон - Марғилонсой ҳавзасида, Шимолий Фарғонанинг Косонсой ҳавзасида олиб борилган археолого-палеогеографик тадқиқотлар ҳам гувоҳлик бермоқда.

Масалан, ҳозирги Фарғона шаҳри марказида жойлашган Симтепа ёдгорлигининг қуйи қатламлари тагидан 0,70 м қалинликдаги агроирригацион қатлам борлиги аниқланган. Палеогеографларнинг ҳисоб-китобига қараганда Фарғона шароитида (Сўхсой бунга кирмайди) 0.70 м қалинликдаги агроирригацион қатлам камида 700 йил интенсив суғориб деҳқончилик қилинган жойда тўпланиши мумкин. Демак, Марғилонсойнинг ўнг соҳили, ҳозирги Фарғона шаҳри ўрни милоддан аввалги X асрдан бошлаб суғориб деҳқончилик қилинган экан. Чунки, Симтепанинг қуйи қатлами милоддан аввалги IV-III асрлар билан даврлаштирилади (Горбунова). Марғилон ҳудудида эса суғорма деҳқончилик милоддан аввалги IX-VIII асрлардан бошланган десак бўлади. Худди шундай ҳолат Шимолий Фарғонанинг Косонсой ҳавзасида Эски Ахси (Ахсикент) ёдгорлиги ва унинг атрофида ҳам кузатилган.

Демак, узоғи билан милоддан аввалги X-IX асрларда Шоҳимардон-Марғилонсой ва Косонсой ҳавзасида бир неча юзлаб гектар ерлар ўзлаштирилиб, сунъий суғориш йўли билан деҳқончилик қилинган¹⁶. Бу ишларнинг бошида Фарғонанинг илк давлатчалар уюшмасининг соҳиблари турган бўлиши керак, - деган фикрни олға сурсак хато қилмаган бўламиз.

Хулоса қилиб айтганда, милоддан аввалги X-IX асрларда юқорида тилга олинган кичик-кичик «ном» кўринишидаги давлатчалар бирлашиб, ҳудудий бир давлат пайдо бўлган. Бу илк Фарғона давлатининг

¹⁶ Анарбаев А.А. О раннем городе Ферганы // Ош и Фергана в исторической перспективе. Бишкек, 2000. Вып. 3, С.70-71; Анарбаев А.А. Қадимги ва ўрта асрларда Ахсикент // Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. Тошкент, 2001, 5-6-бетлар.

маркази, албатта Далварзин ёдгорлиги ўрнида бўлган - дейиш, асослидир.

Сабаб, Далварзин водийдаги қуйи бронза даврига оид энг катта ёдгорлик бўлиб (майдои 25 гектардан зиёдроқ), Ю.А. Заднепровскийнинг охирги илмий ишларида радиохронологияни ҳисобга олган ҳолда, уни милоддан аввалги икки мингинчи йилларнинг ўрталаридан то VIII-VII асрларгача мансуб, —деб даврлаштирилади¹⁷. Лекин, Б.Х. Матбобоев «Ўзбекистон тарихи» журналида эълон қилган «Қадимги Фарғонада илк давлатчилик илдизлари» мақоласида Ю.А. Заднепровский илгари сурган фикрларни қўллаб-қувватлаган ҳолда Чуст маданият ёдгорликларини (жумладан, Далварзинни) милоддан аввалги XII-IX - VIII-VII асрлар билан даврлаштиради¹⁸. У фикрини давом эттириб, Далварзин «...камида 300-400 йил Фарғонани маданий, ҳунармандчилик ва савдо маркази бўлиб хизмат қилган...» — деб,¹⁹ ўз фикрига қарши чиқади. Сабаб, биринчидан Чуст маданияти ёдгорликларининг қуйи қатлами нима учун милоддан аввалги XII аср билан даврлаштириши тўлиқ асосланмаган; иккинчидан, Б. Матбобоевнинг даврлаштириши бўйича ҳам Далварзин Фарғонанинг 300-400 йил эмас, балки камида 500 йил сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази бўлган бўлиб чиқади.

Б. Матбобоев ўз мақоласида М.М. Дьяконов²⁰ ва Ю.А. Заднепровскийларнинг²¹ археологик ёдгорликларнинг дарё ва сой ҳавзаларидаги воқалар бўйича жойланиши ҳақидаги тадқиқотларини ривожлантириб, милоддан аввалги VIII-VII асрларда Фарғонада воҳа давлатчилиги бўлган - деган фикрни илгари суради. Унинг фикрича, бундай воқалар «...Фарғона водийсининг 15 та географик районида топиб ўрганилган»²². Айниқса, Қорасув, Қорадарё ва Фовасой-Косонсой воқаларига алоҳида тўхталади.

Юқорида айтилган фикрларга биз ўз муносабатимизни билдиришни лозим топдик. Фарғона водийси табиий географик ва геоморфологик нуқтаи назардан торликлар, ясси торликлар, адирликлар ва текис-

¹⁷ Заднепровский Ю.А. Ошское поселение к истории Ферганы в эпоху поздней бронзы. Бишкек, 1997.

¹⁸ Матбобоев Б.Х. Қадимги Фарғонада илк давлатчилик илдизлари //Ўзбекистон тарихи. 2002. № 1.

¹⁹ Ўша асар, 8-бет.

²⁰ Дьяконов М.М. Работы Кафырниганского отряда // МИА. М.–Л., 1950. № 15. С. 147-186.

²¹ Заднепровский Ю.А. К истории оазисного расселения в первобытной Средней Азии // КСИА. 167. М., 1981.

²² Матбобоев Б.Х. Ўша асар, 6-бет.

ликлар каби районларга бўлинади. Шундай экан, Б. Матбобоев айтган 15 та бу-географик район эмас, балки дарё ва сой ҳавзаларида вужудга келган антропоген ландшафтлар ирригацион районлардир. Бу ерда шуни айтиш жоизки, биринчидан, баъзи бир ирригацион районда икки, баъзида уч воҳа мавжудлигини кузатиш мумкин; иккинчидан, Б. Матбобоев Шимолий Фарғонадаги Фовасой ва Косонсой ирригация районларини битта воҳа деб, олиб Ю.А. Заднепровскийнинг²³ хатосини қайтаради.

Косонсой ҳамда Фовасой ҳавзалари бир-биридан ажралган ҳолда алоҳида-алоҳида ирригацион районлар ҳисобланиб, уларни деҳқончилик қилиш учун ноқулай бўлган адирликлар ажратиб туради. Масалан, Косонсой ирригацион районида иккита воҳа ва бир неча воҳачалар мавжуд. Агар, Б. Матбобоев илгари сурган Фарғонанинг «15 та географик районида» милоддан аввалги VIII-VII асрларда воҳа давлатчилиги бўлган, - деган фикрни таҳлил қилсак, унда илк темир даврида Фарғонада 15 воҳа давлати бўлиши керак. Бу, албатта илмий нуқтаи назардан ҳеч қандай асосга эга эмас, яъни нотўғридир.

Шундай қилиб, мавжуд фикрларни ҳар томонлама таҳлил қилган ҳолда, янги археолого-палеогеографик ва тарихий тадқиқотларга асосланиб қуйидагича хулоса қилиш мумкин.

1. Милоддан аввалги II мингинчи йилларнинг иккинчи ярми бошларида Фарғона водийси дарё ва сой ҳавзаларининг энг қулай ва унумдор ерларида илк суғорма деҳқончилик йўлга қўйилади. Бу эса ўз навбатида озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайишига ва баъзи бир оилаларда қўшимча маҳсулотни ортишига олиб келади.

2. Ўзаро келишмовчиликлар ва урушлар натижасида асирлар қўлга олинади. Улар қўшимча маҳсулотлар кўпроқ тўпланган оилаларда мажбурий ишга тортилади. Синфий табақаланиш кучаяди. Натижада, дарё ва сой ҳавзаларидаги деҳқончилик воҳаларида деҳқон қароргоҳлари, сўнгра илк шаҳарлар ва илк давлатчалар («ном») пайдо бўлади. Уларнинг ичида энг каттаси ва илк шаҳар мақомига тўлиқ эга бўлган қароргоҳ Далварзин ёдгорлиги ўрнида бўлган²⁴. Унинг майдони 25 гектардан зиёдроқ бўлиб, арки (2 га), «шаҳристони» (18 га) ва «работи» (5 га) бўлган. Уларнинг ҳаммаси мудофаа деворлар билан ўраб олинган. 5 гектарли учинчи қисми «работ» бўш бўлиб, фақат уруш пайтида

²³ Заднепровский Ю.А. К истории оазисного ..., с. 25.

²⁴ Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. 1962. № 118.

шаҳар ташқарисидаги одамлар ёки чорва ҳайвонларини сақлаш вазифасини бажарган бўлса керак.

Шу муносабат билан давлатнинг келиб чиқишида асосий белгилардан бири ҳисобланган «табiiй географик чегараларни» ҳисобга олган ҳолда Фарғонада бошланғич давлатни («протогосударство») қуйидагича таърифлаш мумкин. Дастлаб, милоддан аввалги II мингинчи йилларнинг иккинчи ярми ўрталарида Фарғонанинг шарқий, сўнгра шимолий (эҳтимол жанубий) ҳудудларида бошланғич давлатчалар ёки давлат типигаги сиёсий уюшмалар вужудга келган бўлса керак. Бу давлатчалар катта бир ёки икки баъзида уч ирригацион районларни ҳамда улардаги илк шаҳар типигаги қароргоҳларни бирлаштирган. Милоддан аввалги бир мингинчи йилларнинг бошида юқоридаги тилга олинган бошланғич давлатчалар асосида Фарғонада илк давлат уюшмаси пайдо бўлган, - деган фикрни ўртага ташласак бўлади. Бундай давлатнинг пойтахти Далварзин эканлигига шак-шубҳа йўқ.

Жамиятдаги бу ўзгаришларни Ўзбекистон ҳудудининг марказий ва ғарбий ўлкаларида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Марказий Сўғдда жойлашган Кўктепа ёдгорлигининг қуйи қатламлари, юқорида тилга олинган Фарғонадаги қуйи бронза даврига мансуб Далварзин ва бошқа ёдгорликларга яқин ҳисобланиб, милоддан аввалги II мингинчи йилларнинг иккинчи ярмини иккинчи чорагидан бошлаб даврлаштира бўлади²⁵. Бунга асос биринчидан, Кўктепанинг қуйи қатламларидан топилган меҳнат қуроллари ва сопол идишлар бўлса, иккинчидан, ёдгорликнинг 2-2,5 метр қуйи қатламларини устки қисмидан олинган 2 та кўмирга айланиб қолган куйиндининг радиокарбон анализларидир²⁶. Биринчи анализ милоддан аввалги VII аср билан,²⁷ иккинчи анализ эса милоддан аввалги X аср билан даврлаштирилган²⁸.

²⁵ Француз олимаси Бертиль Лионенинг фикрича, Кўктепанинг қуйи қатламларини милоддан аввалги XIV асрдан бошлаб даврлаштириш керак. Б. Лионенинг бу маълумоти учун унга биз ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

²⁶ Анализлар Франция Миллий илмий марказида амалга оширилган.

²⁷ И с а м и д д и н о в М. Истоки городской культуры Самаркандского Согда (Проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннежелезного века и в период античности). Ташкент, 2002. С. 45.

²⁸ Иккинчи анализни хулосасидан бизни хабардор қилганлиги учун швецариялик археолог К. Рапенга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз. Радиокарбон метод асосан энг қадимги даврларини аниқлашда қўлланилади. Айниқса, милоддан аввалги X-IX асрлардан кейинги даврларга оид материалларни даврлаштиришда катта католикларга йўл қўйилади. Шунинг учун Кўктепанинг қуйи қатламларини даврлаштиришда иккинчи анализ хулосасини (милоддан аввалги X аср) асос қилиб олинса тўғри бўлади.

Бизнинг фикримизча даврлаштиришда, радиокарбон усулининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, иккинчи анализ хулосасини, яъни милоддан аввалги X асрни асос қилиб олсак ҳақиқатга яқинроқ бўлади.

Шундай қилиб, Кўктепанинг 2-2,5 м қалинликдаги қуйи маданий қатламлари М.Х. Исомиддинов ёзганидек, милоддан аввалги IX-VIII асрлар²⁹ билан эмас балки, милоддан аввалги II мингинчи йилларнинг иккинчи ярмини иккинчи чораги ва милоддан аввалги бир мингинчи йилларни боши, яъни милоддан аввалги XIV-(XIII)-XI, X-IX асрлар билан даврлаштириш керак - деб ҳисоблаймиз.

Бу эса ўз навбатида Кўктепанинг қуйи қатламлари устида жойлашган монументал архитектура жумладан, М. Исомиддинов айтган ҳоким саройи ва бу даврга оид шаҳар мудофаа деворининг қурилиш хронологиясига ҳам ўзгартириш киргизишни тақозо этади.

Кўктепанинг қуйи қатламларида архитектура қолдиқлари яхши сақланмаган. Чунки, бу ерда ҳам Чуст маданияти ёдгорликлари сингари уйлар синч услубида қурилган бўлиб уларнинг қолдиқлари бизгача яхши етиб келмаган. Баъзи ҳолларда деворларининг ўрни ёки уларнинг пастки қисми бир вишт кўринишида сақланиб қолган холос. Шунинг учун Кўктепа ёдгорлигининг қуйи қатламларини кенг кўламда ўрганиш зарур. Шунда эҳтимол, бу даврга оид турар жой ҳамда мудофаа девор қолдиқлари топилиши мумкин.

Лекин, шунга қарамасдан, археологик материаллар ва Марказий Осиёдаги умумий тарихий жараёни ҳисобга олиб, Сўғда ҳам деҳқончиликка асосланган илк шаҳармонанд қароргоҳлар ва улар билан боғлиқ бўлган «ном» типидagi кичик-кичик давлатчалар («протогосударства») милоддан аввалги II мингинчи йилларнинг иккинчи ярмини ўрталаридан ёки бир оз кечроқ пайдо бўла бошлаган-деб хулоса қилсак бўлади. Бу кичик-кичик давлатчалар асосида милоддан аввалги X-VIII асрларда Сўғд ҳудудида ҳам илк давлат уюшмаси пайдо бўлган, деган фикрни ўртага ташлаш мумкин. Унинг пойтахт шаҳри Кўктепа ёки Афросиёб³⁰ ўрнида бўлганлигига шубҳа йўқ. Бунга ўхшаш тари-

²⁹ Исомиддинов М. Ўша асар, 64-бет.

³⁰ Ҳозирги кунларда Афросиёб ўрнидаги қадимги шаҳар қачон пайдо бўлган?-деган савол ҳаммани қизиқтирмакда. 1970 йилларнинг охирида олиб борилган тадқиқотлар натижасида Афросиёбнинг жануби-ғарбий қисмида шаҳарнинг мудофаа девори тагида ва кейинги йилларда қўлга киритилган баъзи бир археологик материаллар Самарқанд - ҳозирги Афросиёб ёдгорлиги ўрнида мил. авв. IX-VIII асрлардаёқ илк шаҳармонанд қароргоҳ кўринишида пайдо бўлган бўлса керак-деган фикрни айтишга имкон бермоқда. Лекин, бу фикрни асослаш учун 10-15 метр қалинликдаги антик ва ўрта аср маданий қатламлари та-

хий жараён Оролбўйи ўлкаларида, яъни Сирдарё ва Амударёнинг қуйи ҳавзаларида (Тегискен, Қўзалиқир)³¹ ҳам юз берган.

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистоннинг қадимги Бақтрия, Сўғд, Фарғона ва Хоразм ўлкаларида илк шаҳарлар (шаҳармонанд қароргоҳлар) ва улар билан боғлиқ бўлган дастлабки кичик-кичик «ном» типидаги давлатчаларнинг («протогосударство») пайдо бўлишида ҳамда улар асосида биринчи ҳудудий давлат уюшмаларининг вужудга келишида умумийлик ва ўзига хосликни кузатиш мумкин. Дастлабки кичик-кичик «ном» типидаги давлатчалар унча катта бўлмаган воҳачалар базасида маълум бир географик шароитда ва шу ердаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар натижасида милoddан аввалги икки мингинчи йилларнинг иккинчи ярмида бир оз даврий фарқланиш билан пайдо бўлган бўлса, «марказлашган» нисбатан йирикроқ ҳудуддаги давлат уюшмаси эса жамиятдаги кескин сиёсий ўзгаришлар туфайли масалан, буюк манбашунос тарихчи олим И.М. Дьяконов сўзи билан айтганда, ташқи кўчманчи кучларнинг бевосита хавфи ёки ҳужуми натижасида, милoddан аввалги бир мингинчи йилларнинг бошларида вужудга келган.

А. Анарбаев

ДРЕВНЕЙШЕЕ ГОСУДАРСТВЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ УЗБЕКИСТАНА И НЕКОТОРЫЕ ПРОБЛЕМЫ В ИХ ИЗУЧЕНИИ

На основании анализа археологических и письменных источников автор статьи пришел к следующим выводам:

Становление ранней формы государственности типа «ном» в Бактрии, Фергане, Согде (может быть и в Хорезме) происходит во второй половине II тысячелетия до н.э. с небольшой хронологической разницей в определенной географической среде в результате социально-экономического изменения общества.

В начале I тысячелетия до н.э. в связи с некоторыми изменениями в политической карте Центральной Азии, на базе упомянутых выше небольших номовых государств в Бактрии, Фергане, Согде и Хорезме образовались «централизованные» государства типа ранних «кавианидов», по выражению А. Кристенсен, «царство ранних кави».

гида жойлашган энг қадимги маданий қатламларни бир неча жойда археолого-палеогеографик нуқтага назардан ўрганиш зарур.

³¹ Грязнов М.П. Восточное Приаралье // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. М. – Л., 1966; Дьяконов И.М. Восточный Иран до Кира... // Иранские государства и культуры. М., 1971, с. 144; Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования Средней Азии, с. 338; Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А. Городище Кюзелигыр. К вопросу о раннем этапе истории Хорезма // ВДИ. 1997. № 2. С. 150–173; Яблонский Л.Г. Некрополь древнего Хорезма. Археология и антропология могильников. М., 1999. С. 8–9; Вайнберг Б.И. Этногеография Турана в древности. VII в. до н.э. – VIII в. н.э. М., 1999. С. 16–25.

Установлено, что большинство археологических признаков ранних государств, отмеченных Ш. Шайдуллаевым (журнал «Узбекистон тарихи», 2003, № 2, 6-8 б., жадвал), встречается с эпохи неолита (поселение Джейтун). Поэтому при определении археологических признаков ранних государств следует исходить из его основных юридических признаков.

В связи с этим при определении ранних государств Средней Азии, в том числе Узбекистана, вместо «город-государство» (по Ш. Шайдуллаеву) и «оазисного государства» (по Б. Матбабаеву), автор предлагает применять уже известный термин – небольшие государства типа «ном» и вместе с тем датировать нижние слои Куктепа XIV (XIII) XI, X–IX вв. до н.э.

A. Anarbayev

THE MOST ANCIENT STATE FORMATION OF UZBEKISTAN AND SOME OF THE PROBLEMS REGARDING THEIR STUDY

The analysis of archeological and written sources enabled the author to come to the following conclusion.

The formation of the early type state of «nom» type in Bactriya, Fergana, Soghd (may be in Khorezm) took place in the second half of the II millennium BC under a subtle chronological difference. This took place in a certain geographical environment as a result of socio-economical changes in the society.

In the beginning of the I millennium BC in line with some changes in the political chart of Central Asia, on the basis of small «nom» states mentioned above in Bactriya, Fergana, Soghd and Khorezm the «centralized» states of early type «kavianids» (according to the expression of Christens «the kingdom of early kavi») were established.

Proceeding from that, it is noted that the major part of archeological indications of early states mentioned by Sh. Shaydullaev (the «Uzbekiston tarihi» journal, 2003, №2, 6-8 p. table) are observed beginning from the Neolith epoch (Jeytun settlement). Therefore, when indentifying the archaeological signs of early states is necessary to proceed from the basic juridical indications of the state.

In this connection when defining the early states of Central Asia including Uzbekistan, the author suggests using the known term-small states of «nom» type instead of «the city-state» (according to Shaydullayev) and «the oasis state» (according to B. Matbabaev).

In addition, the author suggests dating the lower layers of Kuktepa to XIV (XII)-XI, X–IX centuries BC.

Х. Гуломов

ДИПЛОМАТИЧЕСКИЕ СВЯЗИ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВА С РОССИЕЙ В КОНЦЕ XVIII–НАЧАЛЕ XIX В.

Вторая половина XVIII столетия в Средней Азии характеризовалась внутренней неустойчивостью политической жизни и междоусобной борьбой отдельных феодальных группировок за власть. Бухарское и Хивинское ханства, разгромленные в 1740 г. войсками Надир-шаха, еще не оправались от потрясения, и внутривнутриполитическая обстановка в них характеризовалась перманентной борьбой. Ферганская долина, обособившаяся от Бухарского ханства, была раздроблена и ослаблена. В казахском кочевье за утверждение господства боролась родоплеменная знать. В этой обстановке в Ташкенте, оказавшемся в стороне от потрясений, сотрясавших соседние ханства, по инициативе городского совета в 1748 г. было создано самостоятельное государственное образование.

Претендентом на верховную власть выступил Юнус-Ходжа, сын умершего хокима Шейхантаурской части города, активно поддерживаемый верхами торгово-ремесленных кругов, заинтересованных в укреплении экономики региона. Начав с утверждения своей власти на территории Ташкентского оазиса и прилегающих к нему районов Келесской степи и правобережья Чирчика, Ташкентское государство к 1794 г. подчинило обширную Присырдарьинскую долину вместе с областью Джетыкента на его северном рубеже. В 1799 г. к Ташкенту присоединился город Туркестан, правители которого стремились освободиться от Бухарского владычества. В 1800 г., после разгрома кокандских войск, Ташкент распространил свою власть на левобережье Чирчика и Кураминские районы.

Степные районы Чирчикской долины с юга и близ Ташкента были заселены кочевыми племенами, известными тогда под общим названием «чанчалы»¹. Опираясь на сведения 1864 г. о кочевых племенах, обитавших в этих районах, Ю.А.Соколов в работе «Ташкент, ташкентцы и Россия» отмечает, что в Ташкентских пределах в изучаемое нами время располагалось 18 тыс. юрт, в которых проживало около 100 тыс. человек². Численность оседлого населения, по данным русских по-

¹ Соколов Ю.А. Ташкент, ташкентцы и Россия. Ташкент: Ўзбекистон, 1965. С. 61.

² Шахматов В.Ф. К вопросу о расслоении казахского аула в первой половине XIX в. // Вестник АН Казахской ССР. 1957. №7.

сольств, достигала 52 тыс. человек. Большая часть жителей (61%) обитала на основной территории владения – Чирчик–Ангрен–Келесский район, причем около половины их составляло оседлое население. В приобретенных же Ташкентским государством западных и северных районах главную массу населения составляли кочевники³. Это обстоятельство вызвало серьезную диспропорцию в соотношении сил и степени влияния торгово-ремесленных кругов Ташкентского совета и военно-феодалных сил, состоявших в основном из представителей различных кочевых племен, что сыграло свою роль в дальнейшей истории Ташкентского государства, ввязавшегося в войну с Кокандом.

Государственная политика Ташкента на первом этапе существования независимого государства определялась Ташкентским городским советом, решавшим важнейшие дела. Российские посланники, чиновники горного ведомства Т.Бурнашев и М.Поспелов, посетившие Ташкент по просьбе Юнуса-Ходжи, писали об образе его правления: «... он власть свою часто приводит в исполнение по совету с лучшими своими чиновниками, которые смотрят на наклонность его мнения и согласуются. В таких советах участвуют первостепенные Ходжи, в усердии и преданности коих Владелец уверен»⁴.

По инициативе Ташкентского городского совета осуществлялось укрепление и расширение экономической базы государства, подъем местного производства, возрождение горнорудной промышленности. Расширились и укреплялись также торговые связи с Россией, которая по уровню социально-экономического развития могла предоставить реальные возможности для общего хозяйственного подъема региона.

Первым значительным шагом в установлении дипломатических связей Ташкентского государства с Россией было направление в адрес Западно-Сибирской администрации империи послания Юнуса-Ходжи (1793 г.) следующего содержания: «В это благоприятное время да будет известно высокому двору Великого царя, что слава Аллаху и по его святой воле, в положении нашей страны, благодаря безграничному покровительству Великого аллаха, достигнуты здесь благополучие, добрые дни и процветание... В это-то благоприятное время, написав письмо и приложив (к нему) печать, мы и послали к вам Мухаммед-Ходжу с Азизом-Ходжой, сделав их караван-башиями и присоединив к нему найденных нами купцов.

³ Соколов Ю.А. Указ. соч. С. 61.

⁴ Поездка Поспелова и Бурнашева в Ташкент в 1800 г. // Вестник Русского Императорского Географического общества. 1 отд. VI. Кн. 1. СПб. 1851. С. 1–56.

Если по соизволению Великого аллаха они благополучно и невредимыми доедут и расскажут о нашем благополучии и благоденствии, то верьте им. И Вы тоже (со своей стороны) тех купцов, которых найдете, посылайте в нашу сторону (для торговли). ...

Вы также укажите купцам, чтобы и они друг другу не причиняли вреда, и сделайте, чтобы (торговые) люди ваши почувствовали себя спокойными (за свои дела во время поездки в Ташкент). ...

О всем же остальном, если что будет говорить Мухаммед-Ходжа и Азиз-Ходжа, имеющие на руках это письмо, что они устно скажут, тому и верьте»⁵.

Ташкентские посланники Мухаммед-Ходжа и Азиз-Ходжа устно передали, что Юнус-Ходжа «если позволено ему будет, намерен к высочайшему Российскому двору послать от себя посланников» и, что он приказал также узнать, в связи с обнаружением под Ташкентом золотоносных россыпей у горы Наудаг и неимением в государстве соответствующих специалистов, которые бы могли разобраться в качестве этих руд, что «нет ли таковых людей здесь в Русском государстве» и, что в будущее лето (Юнус-Ходжа) и сам просить их (мастеров) не оставит»⁶.

Послание Юнуса-Ходжи вызвало большой интерес в правительственных кругах России, которой было выгодно как с политической, так и экономической точек зрения иметь дружественные отношения с Ташкентским государством. Поэтому из Петербурга начальнику Сибирской линии были даны следующие установки: ташкентским посланцам оказать «пристойную ласку и приязнь», в ответном письме к правителю Ташкента сообщить, что к установлению обоюдной торговли и к обещанию «о сохранении безопасности и дружеском приеме в Ташкенте русских купцов» императрица Екатерина II отнеслась благожелательно; пообещать, что правовое положение ташкентских купцов будет защищено так же, как и других иностранцев и что государыня Екатерина II соизволяет принять доверенных людей Юнуса-Ходжи, если он того пожелает «для лучшего условления об установлении торгового соглашения»⁷.

Начальнику Западно-Сибирской линии Г.Г.Шtrandману было велено проследить лично, чтобы русским купцам, отправляющимся торговать «в степь и Ташкению» не выделялись для сопровождения воен-

⁵ Соколов Ю.А. Указ. соч. С. 64.

⁶ Там же. С. 65.

⁷ АВПр, ф. Ташкентские дела. 1797–1798, оп. 111/1, д. 2, л. 1.

ные команды, так как малые команды бесполезны, «а большая может произвести тревогу и беспокойство местных жителей». Под благовидным предлогом поручалось также отправить вместе с купцами одного или двух «надежных и смышленных людей» в Ташкент для личного ознакомления с новым государством и изучения помех, препятствующих развитию российской торговли с азиатскими странами.

Это распоряжение правительства послужило основанием к отправке из Омска в Ташкент в 1795 г. миссии горного чиновника Т.С.Бурнашева и сержанта А.С.Безносикова. Г.Г.Штрэндман, снаряжавший посольство, снабдил их письмами бухарскому эмиру, «ходжанскому и ташкентскому владельцам» и казахскому султану Букею. Конечная задача Бурнашева и Безносикова состояла в том, чтобы добраться до Ташкента и установить контакт с его властителем Юнусом-Ходжой. Послы обязаны были договориться о развитии торговли, заверить Юнуса-Ходжу в строгом соблюдении принципов взаимности в отношении к местным купцам, какие будут приезжать в российские пределы, а также в готовности принять его представителей.

Но миссия Бурнашева и Безносикова не достигла основного места назначения. Проезд в Ходжент и Ташкент был категорически воспрещен бухарцами. Однако царское правительство продолжало интересоваться перспективами политических и экономических связей с Ташкентским государством. В 1795–1796 гг. Бурнашев и Безносиков попытались добраться до Ташкента через город Туркестан, но из-за болезни Бурнашева и невозможности пробиться через горные пути, покрытые глубоким снегом, эта попытка потерпела неудачу.

Наконец, в 1796 г. русскому посольству удалось попасть в Ташкент. Новую посольскую миссию возглавил казачий атаман подпоручик Дмитрий Телятников. В ее состав вошли 9 человек вместе с сопровождавшим посольство Ишим-Султаном, сыном известного казахского султана Букея. 29 августа посольство по всем правилам торжественного ритуала было принято Юнусом-Ходжой. Миссия завершила Юнуса-Ходжу в стремлении России расширять торговые и политические отношения с его владением и вручила ему письмо от российского правительства.

Обратный выезд российского посольства состоялся весной 1797 г. Юнус-Ходжа решил отправить в Петербург вместе с Д.Телятниковым свою миссию. В нее вошли Мулладжан-Ахун Магзум – «ближайший и первейший советник» правителя⁸ (как его аттестует сам Юнус-Ходжа) и Ашур-Али Бахадур-мингбаши.

⁸ Там же. Перевод письма Юнуса-Ходжи Павлу I от 2 июня 1797 г.

Начальник Сибирской линии докладывал Павлу I о стремлении ташкентских купцов к торговле с Россией и предлагал направить в Ташкент крупный русский караван с товарами, а также в целях безопасности просил разрешения конвоировать его линейными казаками.

Царские власти придали большое значение посольству Юнуса-Ходжи и приказали Телятникову сопровождать его в Петербург. В сентябре 1797 г. посольство прибыло в Омскую крепость и было представлено Г.Г.Штрандману. 9 ноября 1797 г. Мулладжан-Ахун Магзум и Ашур-Али Бахадур в сопровождении Д.Телятникова, А.Безносикова и капрала Я.Быкова прибыли в Петербург и были размещены в доме посланников при Коллегии иностранных дел. Попечение о ташкентских посллах возложили на сотрудника Азиатского департамента, действительного статского советника С.Л.Лашкарева.

Официальная аудиенция в Зимнем дворце состоялась 17 декабря 1797 г. Ташкентские послы вручили императору Павлу I грамоту своего правителя. Незадолго до этого они передали в Коллегию иностранных дел документ, который гласил: «В соответствии с письмом, направленным славному и могущественному его Величеству царю и Великому императору, его Светлости высокому государю от уважаемого и почтенного нашего Ходжи Мухаммеда Юнуса, которым выражена нам полная доверенность (на ведение переговоров) и соответственно данного нам, как послам, устного поручения, настоящим заявляем, что: одно, о чем будет просьба и мольба, это то, что поскольку мы с древнейших времен ведем торговлю, то пусть были бы оказаны ташкентцам царское позволение и разрешение беспрепятственно приезжать и уезжать в границу высокого русского государства и чтобы купцы русского государства также, подобно этому, беспрепятственно отпускались и приезжали в нашу страну и совершали там торговлю и обмен»⁹.

Далее содержалась просьба, в случае несогласия с непосредственными соседями и войны «не оставить сильным своим защищением и о том ... уверить высочайшей его величества грамотою, что его, владельца нашего Ходжи Мухаммед Юнуса в высокое свое покровительство и защищения приемлет»¹⁰.

Как видим, ташкентские документы ставили перед правительством России ряд вопросов, выходящих за рамки развития обычных торговых отношений. Естественно, что эти предложения нуждались в серь-

⁹ АВПР, ф. Ташкентские дела, д. 6, л. 1–2. Перевод записки Мулладжана Махсума от 29 ноября 1797 г.

¹⁰ Там же, д. 3, л. 18.

езном изучении. Ташкентские дипломатические документы обсуждались на совещании Коллегии иностранных дел в составе канцлера князя А.А.Безбородко, князя А.Куракина, графа С.Румянцева и обер-секретаря Н.Яблонского¹¹. Активность, которую эти видные чиновники России проявляли к развитию дружественных отношений с Ташкентским государством, была серьезным залогом их внимательного отношения к ташкентским документам, решение по которым требовало большой политической осмотрительности и дипломатического такта.

Необходимо отметить, что в конце XVIII в. сложилось принципиально новое соотношение сил в мире. Главным в международной политике стало соблюдение принципа баланса сил между великими державами, определились новые основные очаги противоречий между ними и их приоритетные интересы. Направленность усилий российских политиков и дипломатов определялась борьбой за окончательное утверждение на Балтике и за выход к Черному морю. Россия, наряду с Англией и Францией, играла ведущую роль в этой борьбе. В то же время необходимо было учитывать национальные интересы России на Востоке, в частности, отношения с государствами Центральной Азии и Китаем, с которым предстояло урегулировать некоторые спорные вопросы. Вместе с тем, нельзя было отказать и Ташкентскому государству в его просьбе о покровительстве со стороны России в случае осложнений в центральноазиатском регионе, так как само российское правительство было крайне заинтересовано в развитии и укреплении торгово-экономических и политических связей.

9 января 1798 г. канцлер А.А.Безбородко пригласил ташкентских послов Мулладжана Махсума и Ашур-Али Бахадура в свою резиденцию для приватной беседы, которая имела решающее значение для определения окончательной позиции российского правительства в отношении Ташкента. В итоге, по распоряжению канцлера, Коллегия иностранных дел подготовила текст ответной грамоты императора Павла I в адрес Юнуса-Ходжи, писем канцлера к нему же, а также ряд распоряжений на имя Сибирской администрации, которой предстояло продолжить переговорный процесс с Ташкентским государством.

9 марта 1798 г. посланникам были вручены необходимые документы, ответные дары от российского правительства и они, в сопровождении Д.Телятникова, А.Безносикова и Я.Быкова, двинулись в обратный путь.

¹¹ Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии (первая половина XIX в.). М.: Наука, 1974. С. 50.

В грамоте Павла I не было официальных ответов на вопросы, поставленные посольством. Ответы содержались в письме канцлера Безбородко Юнусу-Ходже. Письмо извещало о том, что в Ташкент будут отправлены русские специалисты для осмотра открытых рудников, что император обещает ташкентским купцам «всякую по границе империи его безопасность, свободу и другие свойственные тому удобства и выгоды, но и своему подданному пограничному купечеству позволяет ездить с товарами во владение ваше, когда в оном обнадежено, будет оно от вас такою же безопасностью, свободою и другими удобствами и выгодами, какие его императорское величество со стороны своей выше всего даровать соизволяет ташкентскому купечеству»¹².

Как видим, российское правительство, обеспечив широкие возможности для осуществления практических мероприятий по вопросам торговли, продлило время для разработки соответствующих соглашений с соблюдением принципа обоюдности принимаемых обязательств.

Далее в письме сообщалось, что Россия окажет действительную защиту Ташкентскому владению, но Юнусу-Ходже предложено было соблюдать в отношениях с соседями должное «благоразумие» и не давать поводов к обострению отношений с ними. Если же «против всякого чаяния» произойдет обострение отношений с Китаем, то Россия «войдет в посредничество и примет надлежащие меры»¹³. Вместе с тем в письме указывалось, что до тех пор, пока не возникнет действительная нужда в защите Ташкента, Россия не считает целесообразным оформлять свое заявление официальным государственным актом.

Как видим, царские власти пошли навстречу просьбам Юнуса-Ходжи, но это не означает, что у них была физическая возможность оказать в те годы реальную помощь Ташкентскому государству, что произошло через несколько лет, когда оно было поглощено Кокандским ханством.

Итоги прошедших переговоров были встречены в Ташкенте с удовлетворением. Первым практическим результатом их стала поездка горных инженеров М.Поспелова и Т.Бурнашева в Ташкент. Она готовилась еще в 1798–1799 гг., но по ряду организационных причин откладывалась и состоялась лишь весной 1800 г. В Ташкенте посланники находились более трех месяцев и в обратный путь отправились 1 октября 1800 г. За время своего пребывания они ознакомились с горнорудными богатствами, подробно изучили местную государственную

¹² АВПР, ф. Ташкентские дела, 1797–1798, оп. 111/1, д. 2, л. 9–14.

¹³ Там же, д. 3, л. 9–15.

жизнь и уровень развития местного хозяйства. Характеризуя металлургическую промышленность Ташкента, М.Поспелов отмечает, например, что ташкентцы «выплавляют чугун и делают из него посуду. Руду добывают в отрогах Алайского хребта... Для плавки чугуна из руд, сделан горн, который приводится в действие посредством ручных мехов»¹⁴.

Поспелов высоко отозвался о трудовых навыках и традициях жителей Ташкента: «Вообще должно сказать, – писал он, – о весьма отличном трудолюбии народа и что из онаго мало таких, коим бы праздность была известна, и они, как нужное для себя пропитание, так и подать частновременно собираемую, приобретают единственно неусыпными своими трудами»¹⁵. В торговом отношении Ташкент рассматривается как узловый пункт между Россией, Китаем, Персией, Индией и среднеазиатскими ханствами.

Миссия Поспелова и Бурнашева имела и важные дипломатические поручения, которые были изложены в письме канцлера Безбородко в адрес командующего Сибирской линией. Отмечая, что: «посылка оных обещана ему (Юнусу-Ходже) по его прошению для осмотра рудников его», канцлер указывает, что миссия посылается «не меньше и для того, что бы в пути своем туда, не приметным образом осмотрели оный... и состояние той земли, положение ее и востимость людей, какую могла б она на себя принять и продовольствовать в случае просимого тамошним владельцем от здешней стороны защищения»¹⁶.

Таким образом, Поспелов и Бурнашев должны были представить достоверные данные о возможных путях и условиях передвижения и размещения на территории Ташкентского государства военных сил на случай, если окажется необходимым в действительности оказать военную помощь. Такие данные российскому правительству были предоставлены, и посольство в целом выполнило свою миссию. Единственно чего не добились Поспелов и Бурнашев – это письменных гарантий Юнуса-Ходжи о предоставлении русским купцам свободы, безопасности и выгод, какие даровались ташкентским купцам в Петербурге.

Вторичная попытка получения таких гарантий предпринимается в 1803 г., когда в Ташкент был отправлен Д.Телятников. Однако его миссия опоздала: к этому времени Ташкентское государство ввязалось в ожесточенные войны с Кокандским ханством. Д.Телятников, не дое-

¹⁴ Поездка Бурнашева и Поспелова в Ташкент в 1880 г. с примечаниями Я. Ханькова // Вестник РГО. Кн. 1. Ч. 1. Отд. VI. 1851. С. 26–36.

¹⁵ Там же.

¹⁶ Халфин Н.А. Указ. соч. С. 51.

хав до Ташкента, возвратился в Омск. Это было последнее официальное посольство России в Ташкентское государство.

Приведенные материалы показывают, что Ташкентский городской совет в конкретно-исторических условиях конца XVIII в., получивший возможность влиять на политическую жизнь государства, сделал ставку на развитие широких связей с Россией. В этом ему виделся реальный путь к экономическому и политическому развитию страны и укреплению собственных позиций.

Однако в условиях последующего периода истории Ташкентского государства в дипломатических отношениях с Россией наметились определенные сложности, вызванные, с одной стороны, захватом руководящей роли в государстве военно-феодальными группировками, постоянно враждовавшими между собой и соседями, а с другой, – претензиями Коканда на установление политического влияния над казахскими родами. Эти факторы определили позицию Петербурга в отношении Ташкентского государства. Поэтому посольство Д.Телятников было срочно отозвано в связи с началом кокандско-ташкентских войн.

Царское правительство отказалось от заманчивой возможности установления своего «покровительства» над Ташкентским государством, хотя такая возможность существовала и о ней прямо говорили посланники Юнуса-Ходжи и дипломаты России. Российское правительство больше волновало известие о вмешательстве Коканда во внутренние дела казахских племен, переходившее в откровенные грабежи и военные столкновения.

Обнаружив серьезную угрозу своим интересам, царское правительство стало более серьезно относиться к оценке ситуации в Средней Азии. В сочетании с важнейшими социально-экономическими сдвигами в стране, где интенсивно формировались капиталистические отношения, складывались предпосылки для серьезного пересмотра политики царизма по отношению к ханствам. Хотя существеннейшим содержанием политических мероприятий Российской империи оставалось обеспечение интересов промышленности и торговли, что стимулировало связи с ханствами, однако в этих мероприятиях стали явно проявляться захватнические тенденции. Они усиливались в силу необходимости противодействия такому сильному конкуренту, как Британская империя, вплотную подошедшему в это время к границам Средней Азии.

Х. Фуломов

**XVIII АСР ОХИРИ XIX АСР БОШЛАРИДА ТОШКЕНТНИНГ
РОССИЯ БИЛАН ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИ**

Ушбу мақола Россия ва Тошкент ўртасидаги дипломатик муносабатлар тарихига бағишланган. Ўзбекистон тарихининг долзарб мавзулардан саналган Россия ва Тошкент ўртасидаги XVIII аср охири XIX аср бошларидаги элчилик алоқалари янги архив материаллари асосида талқин этилган.

H. Gulomov

**THE DIPLOMATIC RELATION BETWEEN TASHKENT AND RUSSIA IN
THE END OF XVIII- BEGINING OF XIX CENTURIES**

Author devoted his article to the history of diplomatic relations between Russia and Tashkent. The facts on embassy links between Russia and Tashkent since the end of XVIII-till the beginning of XIX centuries, which is one of the actual themes of history of Uzbekistan, are analysed on the base of archives materials.

Тарихда шахслар

Б. Маннонов

**ҚАФФОЛ АШ-ШОШИЙ ВА УНИНГ ДИПЛОМАТИК
ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА**

Қаффол аш-Шоший (903-976) ўрта асрларда яшаб ижод этган, фанимиз ва маданиятимиз тараққиётига, умуминсоний қадриятларга салмоқли ҳисса қўшган буюк ватандошларимиздан биридир. Бу табаррук зотнинг хоки поклари ўн асрдан буён халқимиз зиёратгоҳи сифатида эъзозланиб келинмоқда. Тошкентда «хаста имом» («ҳазрати имом») номи билан машҳур мақбарага «фақиҳи муҳаддис» («ҳадис билимдонни»), «имоми ҳумом» («имомлар имоми») деган сўзлар муҳрлаб қўйилган. Бундай юксак баҳога мусулмон шарқида номи машҳур бўлган буюк алломалар ичида фақат саноқлиларигина сазовор бўлган.

Шунга қарамасдан, Қаффол аш-Шоший тарихимиздаги буюк зотлар ичида энг кам ўрганилган сиймолар қаторига киради. У кишининг Тошкентда туғилганлиги, кўплаб мусулмон мамлакатлари пойтахтларида илм олганлиги, ўз ҳаёти давридаёқ буюк мутафаккир сифатида мусулмон оламида тан олинганлиги ва ниҳоят юртига қайтиб келиб шу ерда вафот этганлиги ҳақида умумий маълумотга эгамиз, холос. Бу буюк аждодимиз биздан кўра хорижда, аниқроғи Араб Шарқида, кўпроқ, яхшироқ ўрганилган. Ўз вақтида нашр этилган асарлар ва қомусий луғатларда унинг кўпқиррали ижоди ва фаолияти ўз аксини топган. Шуларнинг айримларида келтирилган маълумотларга қараганда, Қаффол аш-Шоший нафақат ислом юриспруденцияси - фикҳ илми, фалсафаси, балки тарих ва адабиётдан юксак даражада хабардор, замонасининг забардаст шоири, жанг майдонидаги ҳарбий илми-ҳунарнинг устаси, ҳозиржавоб ва зукко дипломат ҳам бўлган экан. Қаффол аш-Шоший вафотидан қарийб уч юз эллик йил кейин ёзилган шайх ул-Ислом Тожиддин Абу Наср Абдулваҳҳоб ибн Такийиддин ас-Сабкий (1369 йилда вафот этган) нинг «Табақоти аш-Шофиййа» («Шофиййа мазҳаби даражалари») китобида у киши ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз: «Муҳаммад бин Али бин Исмоил ал-Қаффоли ал-Кабир аш-Шоший ўз даврининг буюк имомларидан бири эди. Унинг илми қомусий сажияга эга бўлган. У илм сирларини жуда осонлик билан эгаллаган, барча соҳалардаги чуқур билимдонлиги ҳамма жойда машҳур бўлган. Улуғ Қаффоли Шоший ўша даврда Қуръон ва ҳадисларни шарҳ-

лашда, калом илмида, мусулмон ҳуқуқшунослигининг барча соҳаларида тан олинган имом эди... Шунингдек, ул зот тил ва шеърят соҳасида ҳам имом эди... У даврда бул зотга тенг келадиган аллома йўқ эди»¹.

Шундан бўлса керак, бу зот узоқ давом этган сафарлардан сўнг ўз туғилган юрти Тошкентга қайтиб келиши билан ватандошлари бу шаҳри азимни бошқариш, унга ҳоким бўлишни ундан илтижо қилганлар, деган маълумотлар ҳам бор.

Аmmo биз бу ерда ана шу улуғ алломанинг ислом оламида ўз даврида тан олинган юксак хизмат ва хислатларидан фақат биттаси - ул зотнинг дипломатия соҳасида ҳам сезиларли из қолдиргани ҳақида бир-икки оғиз сўз айтмоқчимиз.

Маълумки, X аср Ўрта ва Яқин Шарқнинг асосий қисмида, жумладан, Ўрта Осиёда Аббосийлар халифалиги ҳукмронлиги ўрнатилган бир давр эди. Халифаликнинг пойтахти Бағдод шаҳри бу вақтга келиб нафақат маъмурий, сиёсий, балки жаҳон миқёсида салмоқли ўрин тутган муҳим илмий-маданий марказлардан бирига ҳам айланганди. У билан бирга халифаликнинг Дамашқ, Қоҳира, Ҳижоз каби ўнлаб шаҳарларида ҳам ўша давр илм-фани ривожланган, бу жойлардаги маърифат масканларидан турли мусулмон мамлакатларидан келган минглаб толиби илмлар баҳраманд бўлганлар.

Тошкентда таваллуд топиб, ўз даври илм-фани асосларини шу ердаги мадрасаларда эгаллаган Қаффол аш-Шоший навқирон пайтидаёқ аввал Бухоро ва Самарқанд, сўнгра Яқин ва Ўрта Шарқнинг қатор илм марказларига сафар қилади, неча йиллар мобайнида у ердаги йирик илм марказларида замонасининг атоқли олимларидан илм-маърифат ўрганеди. Унга Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий (839-923) ва Абул-Ҳасан Али ибн Абу Мусо ал-Ашъарий (873-941) каби машҳур зотлар устозлик қиладилар².

Фикримизча, Қаффол аш-Шошийнинг ўз даври дипломатик ёзишмалар соҳасида чуқур из қолдирганига сабаб бўлган нарсалардан бири унинг Жарир ат-Табарийдан олган таълими бўлса керак. Манбаларнинг кўрсатишича, ат-Табарий унга нафақат фикҳ-қонуншунослик, балки инсоният ўтмиши билан шуғулланувчи тарих фанининг барча икир-чикирларини ўргатган, ўша давр сиёсат майдонида рўй берган воқеа-ҳодисаларнинг юзага келиш сабаблари, уларнинг ўтмиш илдиз-

¹ Ас-Сабкий. Табақоти аш-Шофиййа, II жилд, 176-бет.

² Ирисов А. Қаффол аш-Шоший. Маънавият юлдузлари. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001, 84-87-бетлар.

ларидан уни хабардор этган. Чунки ат-Табарий мусулмон Шарқининг машҳур ва ўта билимдон тарихнависи бўлиб, унинг кўп жилдлик «Тарих» асарида Араб халифалигининг ҲII асрдан Х асргача бўлган тарихи ҳар томонлама ўз аксини топган. Бу бетакрор китоб саҳифаларида Кавказ, Кавказ орти юртлари, Ўрта Осиё, Хуросон ва Шимолий Афғонистоннинг ана шу даврдаги сиёсий воқеалари айниқса, бутун тафсилотлари билан ёритилган³. Қафғол аш-Шоший ат-Табарийдан таълим олган вақтда у ҳали ёш йигит бўлганлиги ҳисобга олинса, алломанинг ўша давр сиёсий воқеаларига бўлган муносабати, тарихий ҳодисаларга ёндашиш мезони бевосита ат-Табарий таълими ва унинг тарихий асарлари таъсирида такомиллашгани маълум бўлади.

Қафғол аш-Шошийнинг дипломатия соҳасидаги фаолияти ҳақида бизгача жуда оз маълумотлар етиб келган. Бу тўғрида фақат битта манба - юқорида эслатилган ас-Сабкийнинг «Табақоти аш-Шофиййа» асарида келтирилган Византия империяси ва Бағдод халифалиги ўртасидаги шеърий-ультиматумлар асосида фикр юритиш имконига эгамиз, холос. Унга таянган ҳолда шуни тахмин этиш мумкинки, бу даврдаги давлатлараро сиёсий мулоқотларда ана шу тарздаги ёзишмалар одадий тус олган бўлиб, тарафлар шу йўл билан ўз хатти-ҳаракатларининг тўғрилигини, рақиб томонининг «камчилик»ларини очиб ташлашга уринишган. Бундай ёзишмалардан кузатилган асосий мақсад ёв юртидаги ҳарбий қўшинлар, тинч аҳоли ўртасига ваҳима солиш, уларда ўз ҳукмдорларига нисбатан ишончсизлик кайфиятини вужудга келтириш, умуман рақиб томонни маънавий жиҳатдан ожизлантириш бўлган. Бу ҳол ас-Сабкий китобида келтирилган Византиянинг шеърий-ультиматуми мазмунидан шундоқ кўриниб турибди. Китобда «шеърий қасида» нинг ҳаммаси тўлалигича ўз аксини топмаган. Ас-Сабкийнинг таъкидлашича, мусулмонларни ҳақоратловчи бу қасиданинг уч байтини у атайлаб китобга киритмаган яъни, тушириб қолдирган⁴. Умуман, 49 байтдан иборат бу қасида-ультиматум Византия императори номидан империянинг Шарқий сарҳадларида Араб халифалигига қарши жанг олиб борган қўшинлар қўмондони Тағфур томонидан Бағдод халифасига юборилган. Ушбу шеърий мактуб-ультиматум араб тилида битилган бўлиб, мутахассисларнинг фикрича, у назм соҳасида етук киши томонидан ижро этилган.

³ "История" - Табари. Избранные отрывки. Перевод с арабского В.И.Беляева. Дополнения к переводу О.Г. Большакова и А.Б. Халидова, Ташкент: Фан, 1987. С. 7.

⁴ Ас-Сабкий. Ўша асар, 181-бет.

Гап шундаки, ўз вақтида, яъни IV асрда Рум империясининг иккига бўлиниб кетиши оқибатида унинг шарқий қисмида қарор топган мустақил Византия империяси X асрга келиб ўз сарҳадларини қайта тиклаш йўлида катта муваффақиятларга эришади ва унинг таъсир доираси нафақат Балқон ярим ороли ҳамда Шарқий Европанинг маълум қисми, балки Қора денгиз қирғоқлари, Кавказнинг ғарбий қисми, Кичик Осиёнинг шарқигача бўлган жойларда ҳам мустаҳкамланади. Бундай бир шароитда Константинопол Араб халифалиги тасарруфига ўтган сарҳадларни қайтадан забт этиш, иложи борича уни маҳв қилиш режаларини амалга оширишга киришади. Шу мақсадда олиб борилган жангларда Византия қўшинлари бир неча бор ғалабага эришадилар. Империянинг Бағдод халифалиги билан туташган шарқий чегараларида қатор ҳарбий истеҳкомлар барпо этилади. Улардан энг йириги Тафрика ҳарбий истеҳкоми бўлиб, Византиянинг Бағдод халифалигига қарши олиб борилаётган ҳужумларига иштирок этаётган асосий қўшинлари шу ерда жойлаштирилган эди. Бу жойдан туриб Византия қўмондони Тағфур Бағдод халифалигига қарши ҳарбий ва маънавий ҳуружларга раҳнамолик қиларди.

Византиянинг бу тарздаги хатти-ҳаракатлари учун қулай тарихий шароит вужудга келганди. Чунки Бағдод халифалиги бу вақтга келиб ожизланиб қолган, халифаликда узоқ муддат мобайнида давом этган сиёсий ва ҳарбий зиддиятлар унинг қудратига путур етказган эди.

Маълумки, исломни тарқатиш жараёнида ўнлаб мамлакатларни қўлга киритган араблар у ерларда қарор топган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар даражасидан анча қуйи поғонада бўлганлар. Араб халифалиги ҳукмронлиги йилларида бу жойлардаги моддий бойликларнинг қайта тақсимланишига қаратилган тадбирлар, айниқса ерсув эгаллиги соҳасида жорий этилган «икта» тизими тез орада суғорма деҳқончиликка асосланган йирик феодалларнинг пайдо бўлиши ва унинг заминиде мустақил ҳукмдорликларнинг сиёсат майдонига қалқиб чиқишига сабаб бўлди. Бу эса ўз навбатида халифалик ичида аста-секин қатор мустақил давлатларни вужудга келтирди. Бу вақтга келиб Каспийнинг жанубий сарҳадларида, аниқроғи Табаристонда Ҳазрати Али авлодларидан бўлган Алийлар (864-928), Озарбайжонда Сажийлар (879-930), Журжонда Зиёрийлар (928-1042), Жанубий Эрон ва Ироқда Бувейхийлар, Мосул, Халоб ва бошқа шаҳарларда Ҳамадонийлар (929-1003), халифаликнинг шарқий сарҳадларида эса қудратли туркий сулолалар - Эрон, Ўрта Осиё ва Афғонистонда Сомонийлар (875-999), Амударёнинг шимолий қисмлари, Қашқар ва Тотарияда (илмий адабиётларда у Туркистон деб ҳам аталади) Иликхонлар (930-1165)

сулолалари қарор топганди. Бу сулолалар ўзларига қарам сарҳадларда мустақил давлат сиёсатини юргизар, халифаликни сиёсий ҳукмрон сифатида эмас, балки фақат диний-маънавий ҳокимият тарзида тан олиб номигагина халифани ўз тангаларига маҳаллий ҳукмдор исми билан бир қаторда зарб этишар эди, холос. Бунинг устига X асрга келиб Аббосийлар халифалигининг ҳатто ягона диний-маънавий ҳукмронлиги ҳам дарз кетади. Шунгача ўзларини фақат султон номи билан юритиб келган Уммавийлар сулоласидан бўлган навбатдаги ҳукмдор - Абдураҳмон III (912-961) 929 йилда Қурдабода ўзини халифа деб эълон қилади⁵. Натижада ислом дунёсида иккита халифалик пайдо бўлади. Бу эса ўз навбатида Аббосийлар халифалиги диний-маънавий таъсир доирасининг чекланишига олиб келади.

Ана шундай бир тарихий вазиятда Византия империясининг Бағдод халифалиги, умуман исломга қарши хуружлари ҳар тарафлама авж олиб кетади. Шу жараённинг кўринишларидан бири сифатида Тағфур томонидан Бағдод халифасига юборилган ва бизгача етиб келган юқоридаги шеърий мактуб-ультиматум вужудга келганди. «Ҳошимийлар хонадонидан бўлмиш ҳукмрон халифага» деб аталган ушбу шеърий мактубда Византия императори Бағдод халифасидан ўша пайтда эгаллаб турган барча ўлкаларни унга сўзсиз қайтариб беришни талаб қилади, акс ҳолда мусулмонларнинг барча муқаддас жойларини (ҳатто Макка ва Мадинани ҳам) куч билан фатҳ этиб, масжидлар устига бут (крест) ларни ўрнатиш ниятида эканлигини дўқ-пўписа билан баралла эълон қилади. «Биз, - дейилади мактубда, - шердек отилиб чиқиб, ўз ерларимизни эгалладик. Дамашқ ўлкаси эса ота-боболаримиз маскани эди, Мисрни ҳам қиличимиз тиғи билан эгаллаймиз. Ҳижоз, Бағдод, Шероз, Рай, Хуросон, Қуддус, Шарқу Фарб ҳаммасини эгаллаймиз»⁶.

Юртимизда биринчилардан бўлиб Қафқол аш-Шоший ҳақида тадқиқот олиб борган шарқшунос Нодирхон бин Аловуддин ушбу мактуб-ультиматум ҳақида маълумот бериш билан чекланмасдан, унинг бир неча байтини шеърий таржима ҳам қилганди. Бу шеърий парча таржимасининг бадий хусусиятлари ҳақида фикр юритмасдан, унинг мактуб-ультиматум ҳақида умумий тасаввур беришини ҳисобга олиб, қуйида бу таржимани тўла келтириб ўтишни лозим топамиз:

«Дамашқдур ота-бобомиз юрти,
Унинг заминига мен соҳиб ўзим.

⁵ Стэнли Лэн-Пуль. Мусульманские династии. Москва-Ташкент-Бишкек, 1996. С.331.

⁶ Ирисов А. Қафқол аш-Шоший... 86 - бет.

Мисрни фатҳ этгум шамширим ила,
 Чексиз саҳроларда кулиб юлдузим.
 Ундан сўнг Маккага қараб йўл олсам,
 Тундек босиб келар ботир қўшим.
 Қуддусга йўл олиб толмасман йўлда
 У ерда тиклағум муқаддас устун»⁷

Ушбу қасида-ультиматум афтидан бир нусхада эмас, балки бир неча нусхада кўчирилиб тарқатилган кўринади. Албатта, унинг дастлабки нусхаси халифага етказилган. Айни вақтда қасиданинг бошқа нусхалари халифаликнинг Византия тазйиқига қарши турган қўшинлари орасига тарқатилган. Буни шундан ҳам билса бўладики, ас-Сабкийнинг хабарига қараганда, Қафтол аш-Шоший ўша пайтда ана шу ҳарбий суворийлар ичида бўлиб, бу қасида-ультиматум билан танишган ва алломага Византиянинг ушбу маънавий тазйиқи ҳаддан ташқари қаттиқ таъсир кўрсатган.

Хўш, Қафтол аш-Шошийдек буюк аллома қандай қилиб жанговар қўшинлар қароргоҳига келиб қолади? Бу саволга жавоб бериш учун яна ўша давр тарихий, сиёсий-маънавий ҳаётига мурожаат қилишга тўғри келади. Ас-Сабкийнинг таъкидлашича, аш-Шоший халифалик ҳарбий суворийлари сафидаги Мовароуннаҳр ва Хуросон суворий қўшинлари орасида фаолият кўрсатган бўлиб чиқади. Чунки ўша пайтда Бағдод халифалигида Византия хуружидан сақланиш ва унга зарба бериш мақсадида «оммун нафир», яъни умумий сафарбарлик эълон қилинган бўлади. Шу мақсадда эҳтимол Хуросон ва Мовароуннаҳрдан қўшинлар чақирилган бўлиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда аллома «оммун нафир» га фаол иштирок этади ва тахмин этиш мумкинки, у бу жанговар тадбирларга оддий сарбоз тахлитида эмас, балки маълум тарзда ўз ҳарбий саркардалик қобилиятини намоён этган киши сифатида қатнашиб келган. Бунинг ҳайрон қоларлик жойи йўқ. Чунки у шароитда жуда кўплаб машҳур шахслар (тож-тахт ворислари ҳам) давр тақозасига кўра жанговарлик қобилиятлари хусусида ёшлиқдан қайғуриб келганлар ва ҳар вақт бу соҳадаги маҳоратларини ошириб боришга эътибор бериб борганлар. Қулфсозлик (темир-тақа билан боғлиқ ҳунар) билан шуғулланган аш-Шоший нафақат ақлан етук, балки жисмонан ҳам кучли ва забардаст шахс бўлганлигини тасаввур этиш қийин эмас. «Табақоти аш-Шофийа» да Ҳалимийнинг «Шуъба ул-

⁷ Нодирхон бин Аловуддин. Абу Бакр Қафтол аш-Шоший ва унинг фаолияти// Совет Шарқи мусулмонлари. № 3- 4 (11-12), 1971, Тошкент, 11-бет.

иймон» («Иймон шохобчалари») китобининг «Жиҳад ҳақида» ги бобидан олинган Қаффол аш-Шоший тўғрисида битилган қуйидаги сатрлар фикримизга далил бўла олади: «У ўзининг қиличи ва қалами билан юксак зафарларга эришди»⁸ дейилади ўша манбада. Бу ерда Қаффол аш-Шошийнинг алломалик сифати билан бирга унинг жиҳад бобидаги жанговарлик маҳоратига ҳам юксак баҳо берилганлигини кўра- миз. «Аҳли Румга қарши оммун нафир» йилида, ас-Сабкийнинг маълумотига қараганда, Қаффол аш-Шоший билан асли Тошкент шаҳридан бўлган шоир Абдулмалик бин Муҳаммад аш-Шоший деган кимса учрашиб, бир даврада улар Тағфур томонидан юборилган қасида-ультиматумни муҳокама қилишади. Ас-Сабкий бу хабарни Қаффол аш-Шоший билан Бағдод мадрасаларида бирга бўлиб, у билан турли илмий мунозаралар ва баҳсларга фаол ишгирок этиб келган бошқа бир тошкентлик таниқли аллома Абу Ёқуб Юсуф бин Иброҳим бин Мансур аш-Шоший маълумотларига таянган ҳолда келтириб ўтади⁹. Афсуски, бу икки машҳур ҳамюртимизнинг фаолияти ҳалигача бизда умуман ўрганилмаган.

Қаффол аш-Шоший ҳақида дастлабки маълумотларни эълон қилган шарқшунос олимларимиз - Нодирхон бин Аловуддин ва Абдусодиқ Ирисовларнинг таъкидлашларича, Тағфурнинг шеърий-ультиматумига жавоб ёзиш Бағдод халифаси томонидан Қаффол аш-Шошийга топширилади. Бу фикрга қўшилиш мумкин. Чунки бундай даражадаги давлатлараро ёзишмалар ҳеч қачон ҳукмдорлар иштирокисиз амалга оширилмаган. Аммо юқорида келтирилган маълумотлар Қаффол аш-Шошийнинг Византия мактубидан дастлаб жанговар бир вазиятда хабардор бўлганлигини ва унга жавоб ёзиш эҳтиёжи шоир қалбида эҳтимол ўша пайтдаёқ пайдо бўлганлигини ҳам кўрсатади. Шубҳа йўқки, бу мактубнинг маълум даврада муҳокама этилганлиги ва у ҳақда билдирилган фикр-мулоҳазалар Бағдод саройига тезда етиб борган ва Қаффол аш-Шоший тезда пойтахтга чақирилиб унга жавоб ёзиш вазифаси юклатилган бўлиши мумкин.

Бунда яна бир нарсани айтиб ўтиш лозим бўлади. Тағфур томонидан ўз императори номидан Бағдод халифига жўнатилган шеърий мактубнинг ёзилган вақти ва у қайси халиф номига битилганлиги аниқ эмас. Қаффол аш-Шоший Мовароуннаҳрдан у томонларга сафарга чиқиб кетганда навқирон ёшда бўлиб, ўз юртига мўйсафид бўлганда қайтиб келган. Буни шу билан исботласа бўладики, аллома ўз сафарла-

⁸ Ас-Сабкий. Ўша асар, 183 - бет.

⁹ Ўша асар. 185 - бет.

ри давомида, ас-Сабкийнинг Абу Абдулла ал-Ҳокимга таяниб келтирган маълумотларига қараганда, уч марта Нишопур шаҳрига ташриф буюрган. «Дастлаб у Нишопурга, - дейилади «Табақот...» да, - Ибн Ҳазим билан учрашгани келганди. Иккинчи марта Ироқни тарк этаётганида келиб кетди. Нишопурга учинчи марта келганида у энди ёши қайтиб қолган киши эди»¹⁰. Бу вақт ичида Бағдодда Муқтадир (908-932), Қоҳир (932-934), Радий (934-940), Муттақий (940-944), Мустақфий (944-946), Мутий (946-974), Тайий (974-991) - ҳаммаси бўлиб етти халиф ҳукмронлик қилган¹¹. Агар биз Қаффол аш-Шошийнинг «оммун нафир» га фаол қатнашиб турган, яъни жанг этиш қобилиятига эга бўлган пайтида Византия мактубига жавоб ёзганлигини ҳисобга олган тақдиримизда ҳам у юқорида санаб ўтилган халифлардан олти таси даврига тўғри келиши мумкин. Шунинг учун янги манбалар ўрнанилмагунча бу масала очиқ қолса керак.

Аббосий халифалиги учун кўп жиҳатлардан вужудга келган қалтис сиёсий ва ҳарбий вазиятда маънавий дипломатия соҳасида Византия империяси билан юз берган бу масалада Қаффол аш-Шоший нафақат етук шоир сифатида, балки зукко дипломат тарзида ҳам ўз қобилиятини намоён этади. «Табақот...» да муаллиф аллома томонидан Тағфур қасида-ультиматуми вазнида унга қарши ёзилган жавоб - қасидадан 74 байтини келтирган. Унда Қаффол аш-Шоший Византиянинг дўқ-пўписа ва ҳақоратомуз шеърий қасидасида баён этилган даъволарнинг асоссиз ва пучлигини, «босқинчилик ва ўғирлик» ка асосланган йўл-йўриқ ожизлик аломатлиги эканлигини, улар ана шу тарзда сурбетларча сиёсат юргизаётганларини, тарихда қарор топган қадриятларни топташга ҳеч ким йўл қўймаслигини гўзал шеърий сатрлар билан муҳрлаб қўяди. Жумладан, жавоб - қасидада шундай сатрлар бор:

«Шом ерин фатҳ этдик бўлиб зарурат,
Мисрни, Қирвонни, Аналусни ҳам.
Бошингиз мажақлаб зўр келдик ҳар вақт,
Байтул ҳам, Ҳамома шаҳарлар қатор.
Искандарияда бўлди зафар ёр,
Қуддус Уршалимда ғалабамиз бор.
Қора Турқлар кўп чобиксавар,
Сизларни енгдик биз мардонавор.

¹⁰ Ўша асар. 176 - бет.

¹¹ Стэнли Лэн-Пуль. Ўша асар, 328 - бет.

Илму-урфонимиз қадимдан машҳур....
Бизларга шеърингиз бўлмагай манзур»¹².

Шу билан бирга Қафтол аш-Шоший ана шундай зафарларда ҳам умуминсоний қадриятларга риоя этилганлиги, халқларни қириб ташлашга ҳаракат қилинмаганлигини алоҳида уқтириб,

«Зўрликла қувдик биз сизни Рум сари,
Туяқуш мисоли қочдингиз нари.
Қочдингиз мисоли кирпи сингари,
Бизларни Муҳаммад бошлар илгари.
Пайғамбар ҳурмати қирмадик сизни,
Бизларда бор эди шиддат ва қудрат»,—дея хитоб қилади.

Умуман, ушбу қасидада мусулмонларнинг «ҳақ йўлида куч-қудрати буюк»лиги катта бадий маҳорат билан изоҳланиб, бунга мисол тариқасида ушбу этиқоднинг «ҳозирги кунда Чин, Ҳинд, Хуросон, Миср, Дамашқ ва барча араб мамлакатларида қарор топган» лиги, «мусулмонлар қўшинининг беҳисоб» лиги айтилиб, улар қўлга киритган ғалабалар мадҳ этилади¹³.

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Қафтол аш-Шоший ушбу жавоб - қасидада фақат билимдон тарихчи, юксак назм устаси сифатидагина намоён бўлиб қолмасдан, диний қарама-қаршиликларни бўрттириб, ундан ўзининг қора мақсадлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилаётганларни, яъни Византия императори номидан Тағфур каби кимсаларнинг мусулмонларга нисбатан юритаётган зўравонлик сиёсатини кескин қоралайди, унинг ҳалокатли йўл эканлигини кўрсатади. «Тангри Муҳаммад ал-Ҳодини тақво, тўғрилиқ ва ислом ила афзал қилиб яратди. Унда Оллоҳнинг омонлиқ саломи акс этмишки, дарҳақиқат у оламни ҳайратга тўлдирди. Унинг айтганлари, жумладан, ёлғончи, жоҳил ва залолатда қолган музарийлар (араб қавмидан) издошлари ва ажамийлар (араб бўлмаган қавмлар) учун ҳамдир», деб ўзининг исломий нуқтаи назарини таъкидлаш билан бирга «шунингдек, Исо ҳам Тангрининг меҳрини қозонганлардан (утфатуллоҳ) дир, унинг динига қараб ҳам Оллоҳ динининг ҳақиқатларини англаб олиш мумкин дир»¹⁴, дейди.

¹² Қафтол аш-Шошийнинг жавоб-қасидасидан келтирилган шеърин лавҳалар ҳам Нодирхон бин Аловуддин таржимасида берилди.

¹³ А с - С а б к и й . Ўша асар, 181–184-бетлар.

¹⁴ Ўша жойда.

2004

Қаффол аш-Шошийнинг ушбу жавоб-қасидаси тезда рақиб томонга жўнатилади. Бу шеърини қасида Византия империяси зодагон доиралари ўртасида улар Бағдодга йўллаган қасидага нисбатан юқори савияда битилгани учун катта шов-шувга сабаб бўлади. Ўзаро маънавий дипломатик ёзишмада ютқизилганлиги тан олинади. «Табақот...» да келтирилган маълумотларга қараганда, ушбу жавоб-қасиданинг ёзилиши гувоҳи бўлган Абдулмалик бин Муҳаммад аш-Шоший Кўнстантия (Константинополь) га келганда бунга тўла имон келтиради. Таниқли олимлар, юксак мартабали диний арбоблар уни ўраб олиб, бундай қасидани ёзган Қаффол аш-Шошийнинг кимлигини ва унинг қайси юртдан келганлигини суриштирадilar. «Ислом оламида биз бундай алломанинг борлигидан беҳабар эканмиз», дейишади улар¹⁵.

Юқорида келтирилган маълумотлар буюк ватандошимиз Қаффол аш-Шошийнинг дипломатиямиз тарихида ҳам етук буюк зотлардан бири бўлганлигини кўрсатиб турибди. Бу улуг алломанинг ана шу соҳадаги фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш, уни кенг ўқувчилар оmmasига етказиш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

Б. Маннанов

О ДИПЛОМАТИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КАФФАЛА АШ-ШАШИ

Статья посвящена дипломатической деятельности Каффала аш-Шаши, известного ученого средневекового Востока, родившегося в 903 году в Ташкенте, останки которого покоятся в мавзолее «Хасты имам», возведенного в свое время горожанами в его честь. По свидетельству арабо-язычных источников, в середине X века он принимал активное участие в противостоянии Багдадского Халифата и Византийской империи, будучи одним из предводителей войск Хорасана и Мавераннахра, мобилизованного Багдадом для защиты западных границ халифата. В эти годы он прославился и как крупный дипломат мусульманского мира, сочинив от имени Багдада ответное дипломатическое послание в стихах правителю Константинополя.

Приведенные факты свидетельствуют о решающей роли тюркской прослойки в военно-политической жизни тогдашнего халифата, о чем красноречиво свидетельствует факт поручения халифом сочинения ответственного дипломатического послания ученому – выходцу из Средней Азии.

¹⁵ Ўша асар, 180 - бет.

B. Mannanov

ON DIPLOMATIC ACTIVITIES OF QAFFAL AL-SHASHI

This article devoted to the diplomatic activities of the Qaffal al-Shashi, who was a famous scholar of the East of Medieval times. He was borne in 903 A.D. in Tashkent and who s remains lies in the «Hasti Imam» mausoleum erected in honor of him by townspeople. As Arabic indicates that he took an active part in the struggle between the Baghdad caliphate and the Byzantine Empire, because he had been one of the leaders of the army of Horasan and Maverannahr which was mobilized by Baghdad for defense of the caliphate borders. In these yars he was also glorificated as a prominent diplomat of the Muslim world. He had composed reply massage in verses on behalf of Baghdad to the ruler of the Byzantine. Listed facts are witnesses about a decisive role of Turkey stratum in the military-political life of the caliphate of those times. Entrusting by the Caliph to compose a crucial diplomatic letter to the scholar - from Central Asia by birth can be served as a good fact in this case.

У. Рашидов

АНВАР ПОШШО ШАХСИ ВА СИЁСИЙ
БИОГРАФИЯСИГА ДОИР*

Анвар пошшонинг шахси ниҳоятда мураккаб, тақдири жуда чигал бўлгани, фаолияти эса XIX аср охири - XX аср бошларидаги тарихий алғов-далғовларга тўғри келгани учунми, ҳозиргача у ҳақидаги баҳс-мунозаралар давом этиб келаяпти ва ҳануз бир тўхтамга келинганича йўқ. Унинг турли йилларда Македония, Туркия, Германия, Кавказ, Россия, Туркистон ва Бухорода кўрсатган фаолиятига холис баҳо беришга асосланган фикрларгина тўғри хулоса чиқаришга имкон яратади.

Анвар пошшо 1881 йилнинг 14 июнида Европанинг энг гавжум шаҳарларидан бири Истамбулда хизматчи оиласида дунёга келди. Отаси Аҳмадбей ва онаси Ойшахоним унинг ҳарбий хизматчи бўлишини истар эдилар. «Совуқчашма Аскарый Руштияси»да ўрта маълумот олган Анвар «Ҳарбия аркани Ҳарб» (Ҳарбий академия)га ўқишга кирди. 1903 йилда академияни тугатгач, Македонияда турган Туркиянинг 3-армиясига хизматга жўнатилади¹.

*Ёзувчи Н. Боқийнинг «Шарқ юлдузи» журналида (2004 йил, 1-сон, 22-79-бетлар) эълон қилинган «Чингиз афандига мактублар» асари тарихчилар ўртасида жиддий эътирозга сабаб бўлди. «Ўзбекистон тарихи» журналнинг 2004 йил, 3-сониди, бир гуруҳ олимларнинг ушбу мақола ҳақидаги фикр-мулоҳазалари чоп этилди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган У Рашидовнинг мақоласида Анвар пошшо шахси ва сиёсий биографиясига оид маълумотлар ва фактлар илмий талқин қилинади.

¹ Nig'yilmaz E. Enver Pasa. Star Sayl: 74, Istambul, 14 mart, 1993, 26-ber.

Туркиянинг мустамлакаси бўлган Македония мустақиллик учун муттасил кураш олиб боради. Македон халқининг озодлик ҳаракатини бостириш мақсадида Туркия ҳукумати бу ерга ёш зобитларни тез-тез юбориб турарди. «Ёш турклар» номини олган ана шу ёшлар кейинчалик «Иттиҳод ва тараққий» партиясини тузиб, усмонийлар султони ва халифаси Абдулҳамид II нинг мустабид зулмига қарши бош кўтарарди. Анвар эса бу ҳаракатнинг раҳбарларидан бири эди. 1908 йил 23 июлда «Ёш турклар» Македония ҳокимиятини қўлга олиб, уни Туркия зулмидан озод этдилар. Анварни ўзига оғдириш мақсадида Туркия ҳукумати унга пошшо (генерал) ҳарбий унвонини беради. Аммо бу ҳийлани сезган Анвар ўзини қопқондан олиб қочди. Шундан кейин мамлакатдан узоқлаштириш мақсадида уни Туркиянинг Берлиндаги ҳарбий атташеси этиб тайинлашди². Анвар пошшо Германияда бўлганида немис тили ва немис ҳарбий тактикасини қунт билан ўрганди. Германия ҳукумати аъзолари, ҳатто Германия канцлери Вильгельм II билан танишди³.

1913 йилнинг январида Туркияда бўлиб ўтган ҳарбий тўнтариш туфайли ҳокимият «Ёш турклар» кўлига ўтади. Анварнинг собиқ дўстлари Талъат пошшо - Бош вазир, Жамол пошшо - Ҳарбий денгиз кучлари вазири лавозимини эгаллайдилар. Анвар пошшонини Берлиндан чақириб олиб, унга мамлакатнинг Бош қўмондони ва Ҳарбий вазир лавозимини топширадилар.

1914 йил 5 мартда Анвар пошшо турк султонининг жияни Нажибахонимга уйланганидан кейин унинг мусулмон оламидаги обрўси янада ошиб кетди. Ёшлигидан шуҳратпараст бўлган ва ҳокимиятга даъво қилиб юрган Анвар пошшо «бутун мусулмонлар ва халифанинг куёви»⁴ бўлиб олгач, дунё мусулмонларининг ягона ҳукмдори бўлишга интилди. Албатта, унинг Нажибага уйланишдан кўзлаган мақсади ҳам шу бўлса керак. Энди Туркиянинг халқаро обрўси ва ҳарбий шуҳратини янада ошириш лозим эди. Шу мақсадда Анвар пошшо Италия, Болгария, Сербия ва бошқа қўшни давлатларга қарши уюштирилган босқинчилик урушларига раҳбарлик қилди. Биринчи Жаҳон уруши арафасида эса зўр бериб Германия билан иттифоқ тузишга интилди. У ўз мақсадига эришди - 1914 йил 2 августда Туркия билан Германия ўртасида Антантага қарши ҳарбий иттифоқ шартномаси имзоланди. Шарт-

² Ражабов К. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Тарих ҳақиқати (1920–1924). Тошкент, 2002. 42-бет.

³ Медведьев В. Басмачи – обреченное воинство// Дружба народов. 1992. №8. С. 134.

⁴ Ўша ерда. 235-бет.

номага биноан Анвар пошшо бошчилигидаги Туркия армияси икки фронтда - Кавказда Россияга қарши ҳамда Сувайш-Миср фронтда Англияга қарши урушга кириши керак эди⁵.

1914 йил декабридан бошлаб Анвар пошшо Арманистон йўналиши бўйича қарши ҳужумга ўтган 3-армия қўмондонлигини қўлига олди. Лекин 1918 йил январда Анвар пошшо қўшинлари рус армиясидан мағлубиятга учраб чекинди. Бунинг устига, Сувайш-Миср фронтда инглизларга қарши курашда турк армияси бирор ютуққа эриша олмади⁶. Маълумки, Германия ва унинг Биринчи Жаҳон урушидаги иттифоқчилари Россиядаги Октябрь тўнтаришидан кейин 1918 йил 3 мартда Брестда сулҳ шартномасини имзоладилар. Брестдаги музокараларда Анвар пошшо ҳам иштирок этиб, Туркия томонидан шартномага имзо чеккан эди⁷.

Туркияда 1918 йил 7 октябрда бўлиб ўтган сайловда «Иттиҳод ва тараққиёт» партияси волиб чиқиб, мамлакатни ҳалокат ёқасига олиб келган Талъат пошшо бошчилигидаги амалдаги ҳукуматни истеъфога чиқарди. Мустафо Камол бошчилигидаги янги ҳукумат Талъат пошшо, Жамол пошшо ва Анвар пошшонини сиртдан ўлимга ҳукм қилди. Антанга давлатлари ҳам бу уч жинойтчини ўзларига топширишни сўрамоқда эдилар. Лекин улар 1918 йил 2 ноябрдан 3 ноябрга ўтар кечаси Истамбулдан немисларнинг У-67 сувости кемасига тушиб, Евпаторияга қочдилар. Қочоқлар Евпаторияга етиб келгач, Берлин поезди жўнаши олдидан Анвар пошшонини йўқотиб қўйдилар.

Анвар пошшонинг мақсади Кавказда омон қолган турк армиясига раҳбарлик қилиб, ўзига иттифоқчилар топиш, кейин Мустафо Камолга зарба бериб, ҳокимиятни эгаллаб олишдан иборат эди. Аммо янги турк ҳукумати ва Россия большевиклари ўртасидаги алоқаларнинг яшиланиб бориши Анвар пошшонинг Кавказга юришига имкон бермади. Режаси амалга ошмагач, 1919 йил январда у Берлинга - эски танишларининг олдига кетишга мажбур бўлади⁸.

Шу ўринда совет даврида яратилган тарихий адабиётларда такрор-такрор ўқиганимиз «Анвар пошшо инглиз разведкасининг жосуси, авантюрист, пантуркист ва панисломчи эди»,— деган фикрларга холисона баҳо беришга тўғри келади. Анвар пошшо инглизларнинг жосуси бўлиши мумкин эмас. Чунки волиб томон сифатида Англия ҳукумати

⁵ Документы внешней политики СССР. Т. III. М., 1966. С. 149.

⁶ История внешней политики СССР. Ч. первая (1917–1945). М., 1966. С. 138.

⁷ Джузеппе Боффа. История Советского Союза Т. I, М., 1990. С. 86.

⁸ Медведьев В. Кўрсатилган мақола. 137-бет.

ва Антантанинг қолган давлатлари Биринчи Жаҳон уруши жинойтчиларини ўлимга маҳкум қилган, бу рўйхатда Анвар пошшо ҳам бор эди⁹.

Анвар пошшо Туркиянинг Германиядаги ҳарбий атташеси бўлиб ишлаган даврида немислардан анча дўстлар орттириб, уларга сидқидилдан хизмат қилган эди. Шунинг учун у урушдан олдин ҳам, ундан кейин ҳам Германия Бош штабининг паноҳида яшади. Ҳатто Анвар пошшо муҳожирликда юрганида ҳам унинг суюкли хотини Берлинда бежавотир яшаган эди. Демак, Анвар пошшо инглизларга эмас, балки, немисларга керак эди. У Германия учун хизмат қилди. Англиялик Ўрта Осиё тарихи бўйича мутахассис Фицрой Маклин ҳам ўз тадқиқотларида буни исботлайди. Унинг ёзишича: «Анвар пошшо 1908-1912 йилларда Германия Бош штаби разведка бўлимининг бошлиғи генерал Сект томонидан немис разведкасига хизмат қилишга кўндирилган эди. Шунинг учун Германия Бош штаби Анвар пошшони Россияга жўнатиб, унинг олдида Туркистонни Англияга қарши кураш майдонига айлантириш вазифасини қўйган»¹⁰.

Анвар пошшо қандай қилиб бўлмасин, Туркия тахтига қайтишни орзу қиларди. Шу мақсад йўлида у 1920 йил бошларида Москвага келиб, қисқа вақт ичида большевиклар орасида катта обрў қозонди. Бунинг сабаби қуйидагилар:

Биринчидан, Анвар пошшо совет Россиясини ҳалокатли урушдан олиб чиққан Брест сулҳига Туркия ҳукумати номидан қўл қўйган эди. Иккинчидан, 20-йилларнинг бошларида совет Россияси билан Германия ўртасидаги алоқалар анча яхшиланган бўлиб, Анвар пошшо немис сиёсатчилари томонидан бутун Шарқ мамлакатларини инглизларга қарши бирлаштирувчи куч сифатида Москвага юборилган. Учинчидан, Анвар пошшонинг «халифанинг куёви» ва тажрибали ҳарбий саркарда (шуҳратпарастлиги туфайли у ўзини ҳатто генералиссимус деб ҳам атарди) эканлигидан фойдаланиб, большевиклар уни советлар томонига тўлиқ оғдириб олиш йўли билан Ўрта Осиё, Кавказ ва бошқа Шарқ давлатлари ҳудудида совет ҳокимияти мавқеи ва таъсирини мустаҳкамлашни ҳам назарда тутганлар.

Ана шу сабабларга кўра, Анвар пошшо совет ҳукуматининг бошлиғи В.И. Ленин томонидан қабул қилинди, Ташқи ишлар Халқ комиссари Г.В.Чичерин билан музокаралар олиб борди. Анвар пошшо совет давлати раҳбарларининг бевосита ёрдамига таяниб, Москвада «Ислом

⁹ Международные отношения и внешняя политика СССР (1917–1960). М., 1961. С. 36.

¹⁰ Қаранг: Хидоятова Н. Энвер пашша и басмаческое движение// Человек и демократия. 1993. №4. С. 53.

инқилобчилари Иттифоқи жамяти» деб номланган партия тузиб, уни мусулмонлар интернационали¹¹ деб эълон қилди.

Большевиклар Анвар пошшога катта ишонч билан қарадилар. 1920 йил августнинг охири-сентябрнинг бошларида - Бухоро амирлигига қарши қизил армиянинг босқинчилик ҳужумлари бошланган кунларда Бокуда Шарқ халқларининг биринчи съезди чақирилди. Коминтерннинг вакили Г.Зиновьевнинг таклифи билан Анвар пошшо ҳам съездда большевиклар томонидан иштирок этди. Анвар ўзига сўз берилишини сўраб икки марта, съезд ҳайъатига хат чиқарди. Лекин Мустафо Камол томонидан съездга келган туркиялик делегатларнинг раҳбари Иброҳим Толининг қаттиқ талаби билан унга сўз берилмади. Чунки Анвар пошшо Туркияни урушга тортиб, иқтисодий жиҳатдан инқирозга олиб келган ва унинг мағлубиятга учрашига сабабчи бўлган жиноятчи сифатида, айтиб ўтилганидек, ўз ватанида сиртдан ўлимга ҳукм қилинган эди. Съезд минбаридан туриб, «халифанинг куёви» сифатида мусулмон дунёсининг диққатини яна бир маротаба ўзига қаратиш имкониятидан маҳрум бўлган Анвар пошшо, съезд тугаши билан Бокудан тўғри Берлинга жўнади. Назаримизда, у немислардан янги кўрсатмалар олиш учун кетган.

1921 йилнинг февралда яна Москвага қайтиб келган Анвар пошшо РСФСР Ташқи ишлар Халқ комиссари Г.В.Чичерин билан маслаҳатлашиб, Кавказга бориш ва у ерда инглизларга қарши ҳаракат бошлаб, Туркияни инглизлар асоратидан озод қилиши лозимлигини айтади¹². Чунки Туркия Биринчи Жаҳон урушида мағлубиятга учрагач, инглизлар таъсирига тушиб қолган эди. Аммо Туркия билан РСФСР ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилганлиги сабабли Г.В. Чичерин бунга рози бўлмади. Шунга қарамай, Анвар пошшо ўзбошимчалик қилиб, 1921 йил 30 июль куни Ботумига келади. Бу вақтга келиб, Мустафо Камол ички муҳолифатга қақшатқич зарбалар бериб, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олган эди. Шунинг учун 1921 йилнинг ноябрь ойида Туркия ҳукумати совет давлатидан Анварни Кавказдан чақириб олишни талаб қилади¹³. Бу талаб қондирилиб, Анвар пошшо Москвага чақирилади. У эса Москвага бормай, Боку ва Ашхобод орқали Ўрта Осиёга йўл олиб, Бухорога етиб келди¹⁴. Бу ҳақдаги маълумотларда жуда кўп ноаниқликлар мавжуд. Фикримизча, Анвар пошшонинг Бу-

¹¹ Медведьев В. Кўрсатилган мақола. 136 - бет.

